

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги Ал-
Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети

Қўлёзма
хукукида

Рахимова Эътибор Рустамовна

“Таълим жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг ижтимоий –
педагогик асослари”

Мутахассислик

Ижтимоий педагогика

Диссертация

Педагогика магистри академик даражасини олиш учун

Иш қўрилди ва химоя қилишга рухсат берилди

Илмий раҳбар:

доц.Н.Салаева

“Педагогика ва психология”кафедраси мудири:

п.ф.н.доц.Ш.Исмоилова

Урганч 2012й

МУНДАРИЖА

Кириш

I.БОБ. Таълим жараёнида гендер масалаларининг ижтимоий-педагогик асослари

1.1.§. Муаммони ўрганилганлик даражаси.....

1.2.§. Гендер назариялари ва уларни ўзига хос хусусиятлари.....

I.Боб бўйича хулоса

II.БОБ. Таълим жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг шарт-шароитлари

2.1.§. Таълим жараёнида гендер тараққиёти масаласи.....

2.2.§. Таълим жараёнида гендер ўхшашликлар ва тафовутларнинг узига хослиги

II.Боб бўйича хулоса

III. БОБ. Таълим жараёнида гендер масалаларини ҳисобга олишнинг мазмуни, шакли ва методлари.

3.1.§. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятида гендер хусусиятларимазмуни.....

3.2.§. Касбий йўналганликни шакллантиришда гендер хусусиятларини ҳисобга олиш.....

3.3.§. Тажриба-синов натижалари таҳлили.....

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Мавзунинг долзарблиги: Ҳар қандай жамиятда ёш авлод таълим-тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Таълим-тарбияни мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, ўзини ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкид этилаётган таълим –тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармон, асар ва нутқлари, вазирлар маҳкамаси ҳужжатлари, халқ таълими, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг қатор ҳужжатлари мазмуни бу борада амалга оширилаётган барча ишларнинг қонуний ва концептуал асослари бўлиб, “Таълим тўғрисида” ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ғояларини амалга ошириш жараёнида гендер масалалари ҳам муҳим рол ўйнайди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да алоҳида таъкидланган миллий модели Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда ўғил бола ва қизларни ўзига хос бўлган жинсий хусусиятлари, сифатлари, фазилатларидан тафовутларини тўлақонли жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг ижтимоий-педагогик асосларни инобатга олиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳозирги даврда таълим жараёнида гендер масалаларни инобатга олиш мураккаб жараён бўлиб, шахни тарбиялаш, уни камолоти масаласи, юксак ахлоқий фазилатларини шакллантириш, таълим берадиган қонуниятлар, тамойилларни ижодий қўлашдек муҳим вазифани бажаради.

Гендер концепцияси ижтимоий-педагогик категорияси сифатида ҳозирги даврнинг янги бир йўналишидир. Айни пайтда МДХ минтақалари ва Россия ҳудудидаги олиб борилаётган илмий ишлар ва шу жумладан республикамиздаги олий таълим ва уни ўзига хос хусусиятларини таълим жараёнига тадбиқ қилиш каби масалалари диссертациям мавзуси қилиб

олиб, уни ўрганиш ва тажриба синовдан ўтказиш ҳамда ушбу масалани ижтимоий-педагогик асосларни тадбиқ қилишга қаратилган.

Ўқув-билув фаолиятида шахни гендер фарқларни ва ўзига хосликларини ҳисобга олиш, таълимнинг самарадорлигини таъминловчи омил эканлигини мутахассислар ўз тажрибаларида янги ижтимоий қарашлар асосида исботлаб бермоқдалар.

Таълим-тарбия тизимида “гендер” тушунчаси фақат қизларга тааллуқли эмас, чунки у ўз хусусиятга кўра ўғил ва қиз боллар орасидаги муносабатларни тавсифлаб беради. Мазкур тушунча таълим жараёнида ўғил ва қиз болларнинг жинсий мансублигини бажарилишини ифодалайди. Педагогикада бундай ёндашув ўғил ва қиз болларда истиқболда – микроциумда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўзлигини намоён қилиш имконини берадиган кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам гендер педагогикасига оид тадқиқотлар ўғил ва қиз болларга келганда ижтимоий ҳаётда эркар ва аёл сифатида қандай мавқеини эгаллаш лозимлигини ўргатишга йўналтириш керак. Эндиликда педагогика фанидан эришилаётган энг муҳим ютуқлардан бири гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятларининг очилаётганлигидир. Бундай ҳодиса таълимнинг умумлаштирилган нуқтаи назардан ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таълим тизимидаги гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланган ва 1997 йил да қабул қилинган қарорларда ҳам қайд қилинган.

Республикамызда 2010-2011 ўқув йилларида касб-хунар коллежларида таълим олувчи ўғил ва қиз болалар сони қарийб бир хил,ўрта махсус ва касб –хунар тизимида бу тафовут ошиб боради.Академик лицейларда ўқийдиган ўғил болалар сони 64 фоиз ва қиз болалар 36 фоиз.Касб-хунар коллежларида эса ўғил болалар 53 фоиз,қиз болалар 47 фоизни ташкил этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: Таълим жараёнида гендер масалаларининг ҳисобга олишнинг ижтимоий-педагогик асосларини аниқлаш ҳамда гендер

тенглик ва фарқлар асосида ташкил этилаётган ўқув-билув фаолияти бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Ўрганилган манбалар ва муаммонинг амалиётдаги ҳолатидан келиб чиқиб таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этишнинг педагогик муаммо эканлагини назарий жиҳатдан асослаш.
2. Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда талабаларга кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг педагогик – психологик ҳамда психодиагностик имкониятларни аниқлаш.
3. Гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда талабаларда ўзига хос бўлган кўникмаларни шакллантириш методикасини белгилаш.
4. Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим олишни ташкил қилишда кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Шахс ижтимоийлашув жараёнида гендер муаммолари.

Тадқиқотнинг предмети: талабаларнинг таълим олиш жараёнида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олишга қаратилган воситалар, усул ва йўллар.

Тадқиқотнинг методлари:

- аналитик таҳлил;
- қиёсий таҳлил;
- анкета;
- педагогик эксперимент;
- математик-статистик;

Тадқиқотнинг илмий фарази: Агар:

- ўқув билув фаолияти гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилса;
- ўғил ва қиз болалар учун таълимий топшириқлар тузиш уларни ўзига хос жисмоний, руҳий, гигиеник-физиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда танланса;

- ўғил ва қиз болларни ўзига хос касбий фаолиятга йўналтирилса, гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган таълим жараёни самарали кечади.

Ҳимояга қўйиладиган ҳолатлар:

1. Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқларни таъминлашнинг дидактик асослари.
2. Касбий таълим жараёнини гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этишнинг педагогик, психологик ҳамда психодиагностик импоялари.
3. Ўқув жараёнини гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этиш методикаси ва унинг самарадорлиги.

Тадқиқотнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Педагогика фани концепсияси, Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини нутқ ва маърузаларида таълимни ривожлантиришга оид фикрлари, мавзуга оид илмий педагогик, психологик, фалсафий-ижтимоий таълимотлар.

Тадқиқот натижаларининг назарий-амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижасида гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим олишга йўналтирилган илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндошувларга эга бўлишди. Шунингдек, касбий тайёргарликни олиб боришда гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олмаган ҳолда ўқитиш мазмуни, моҳияти, воситалари, усул ва йўлларга бойитилди ҳамда бу жараёнга оид таълимий топшириқлар тизими тавсия этилди. Мавжуд, назарий ёндошув ва методикада олий ўқув юртларининг педагогика ва психология, касбий таълим бакалавр йўналиши талабалари, педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курслари тингловчилари унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олиш назарий

асослари аниқланди.

2. Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқларга эътибор қаратишнинг мавжуд ҳолати ўрганилди.

3. Ўқув жараёнининг гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилди ҳамда унинг самарадорлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми: Диссертация кириш, 3та боб (6 параграф), умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб 85 саҳифани ташкил этади.

I. Боб Таълим жараёнида гендер масалаларини ҳисобга олишнинг ижтимоий-педагогик асослари.

1.1§. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Гендер муаммоси файласуфлар, жамиятшунослар, антропологлар, тилшунослар, адабиётшунослар, психолог ҳамда педагогларни эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Гендернинг психологик жиҳатлари таниқли руҳшунослар: З.Фрейд, Т.Порсокс, Р.Столлер, Ш.Берн, А. Бандура, Симона де Беувар, А.Климс, С.Кон, А.Усманова, И. С. Клецина, Ғ.Б. Шоумаров, Э.Ғозиев, О. Абдусаттарова, Х.Р. Хайдаровалар.

Социологлар: Э.Гоффмон, Р.Эгоф, А. Колсперанова, А. Здравамаслова, А.Тёмншла, Г.Б. Уразалиевалар.

Фалсафага оид: О.А. Воронина, Кейт Уэет, Д.Зиммерман, С.Т.Айвазовалар, И.Жерибкина.

Антропология билан боғлиқ жиҳатлари: Е.Р.Ярская-Смирнова, педагогикага оид қирралари Л.Шустова, П.Ренкина, Р.Сафарова, Н. Тайлақов, У. Мусаев, Г.Акрамоваларнинг ишларида ёритилган.

Чунончи, П.Эллинот ва Н. Менделл “Фенинизм назариялари” умумлаштирувчи таҳлилий мақоласида, гендернинг асосий йўналишларини тарихийлиги ва замонавийлиги нуқтаи-назаридан баён этганлар. Гендернинг жинсий тарбия билан боғлиқ жиҳатлари Г.К. Зайцев, А.Г. Зайцева, Н.Юдашиналар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат таълим муаммолари Р.Мавланова, Ў. Толипов, Ш. Шарипов, С. Мусоеваларнинг ишларида ўз иродасини топган.

Юнесконинг 1998 йил 9 октябрдаги анжуманида ҳали педагогик гендер масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Жаҳон амалиётига асосланган мазкур дастлабки урушлар БМТ “Тараққиё” дастури, Юнеско,

“Очиқ жамият”, “Кўмак” жамғармаси институти томонидан қўллаб – қувватлашган. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилдаги “Хотин-қизлар-2000: Гендер тенглик , тараққиёт ва тинчлик” мавзусидаги махсус сессияси материаллари, Жаҳон банки томонидан тайёрланган сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланиш билан гендер тенглик ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Мазкур муҳокамани жамият тараққиётида муҳим ўрин тутишни кейинги йилларда Германия ва умуман Европа мамлакатларида ушбу соҳада бўлган қизиқишнинг ортиб борилаётганлиги мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ўзбекистон гендер тенглик ва фарқлар, ўхшашликларни ҳисобга олиш бўйича кенг қамровли ишлар режалаштирилган бўлиб, уларни амалиётга тадбиқ қилишда ва гендер тадқиқотлар олиб боришда тажрибаларга асосланиб фаолият олиб борилмоқда.

Гендер фарқлар ҳамда ўхшашликлар таълим жараёнида қиз ва ўғил болалар ўқув фаолиятидаги ўхшашликлар ҳамда фарқларнинг ҳисобга олиш асосланади. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жарарёнини самарадорлигини оширишга ёрдам беради. У ёки бу ишга мансублик ўқувчи шахсига имкониятларни белгилайди.

Қиз ва ўғил болалар орасидаги гендер фарқлар ва ўхшашликларни ҳисобга олига қаратилган тадқиқотлар бугунги кунда рус педагогикаси ҳамда психологиясида кенг қўламда амалга оширилмоқда. Бу айниқса, жинсий тарбия ҳамда бу жараёнда руҳий имкониятларни ҳисобга олиш йўналишида яққол кўзга ташланади. Жинсга асосланган таълим-тарбия – ўқувчи яъни талабани келажак ҳаётига тайёрлашда ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган таълим-тарбия, маърифий воситалар йиғиндиси.

Бугунги кунда ўқув-билув жараёнида гендер фарқлар ва ўзига хосликларни ҳисобга олиш, табиий педагогик ҳодиса сифатида эътироф этилаётган бўлса-да, бироқ дидактикада ушбу ҳодисанинг тўла илмий талқини мавжуд деб бўлмайд.

Ўқув-билув жараёнида шахни гендер фарқлари ва ўзига хосликларни

ҳисобга олмасдан туриб, таълимда юқори натижаларга эришиш мумкин эмаслиги соҳа мутахассисларига аён бўлмоқда. Айниқса, руҳшунослар бу соҳада бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

“Гендер” атамаси 1968 йили америкалик психолог олим Столлер томонидан илмий тушунча сифатида киритилган бўлиб, “Жинс” маъноси билдиради. Жинс муносабатлар психологиясида илгари ҳам фаол ўрганилган бўлсада, яқин атамасининг пайдо бўлиши ижтимоий фаолларда мазкур оқимларни юзага келтирди. “Гендер тарихи”, “Гендер психологияси”, “Фалсафанинг гендер томонлари”, “Гендер антропологияси”, “Гендер социологияси”, кейинчалик эса “Гендер педагогикаси” каби фан тармоқлари шаклланди.

“Гендер” тушунчаси, аввало эркак ва аёл, ўғил ва қиз боллар муносабатларининг ижтимоий –психологик ҳамда педагогик томонларини қамраб олади. Бу тушунча янги ижтимоий қарашлар ва маданиятга боғлиқдир.

Таълим-тарбия тизимида “гендер” тушунчаси фақат қизларга таълуқли эмас, чунки у ўз хусусиятига кўра ўғил ва қиз болалар орасидаги муносабатларни тавсифлаб беради. Мазкур тушунча таълим жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг жинсий мансублигига асосланиб тақсимланган ўқув фаолиятининг бажарилишини ифодалайди.

Бироқ, ўғил бола ва қизлар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари ўз табиатига кўра биологик бўлмаган сабабларга асосланувчи кўплаб фарқлар бор. Яъни, ижтимоий роллар, фаолият шаклларининг бўлинганлиги, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик характеристикаларида фарқлар мавжуд.

Таъкидланганидек, ўғил бола ва қизлар ўртасидаги биологик, табиий фарқлар билан эркаклар ва аёлларнинг хатти -ҳаракатини, ижтимоий ва маданий характеристикаларни аниқроқ фарклаш учун гендер атамаси қабул қилинган. Гендер тушунчасининг киритилиши энг умумий маънода икки тушунча — **биологик ва ижтимоий жинс** тушунчаларини фарқлашга

ёрдам беради. Гендер жинс тушунчасини **физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий конструкция** сифатида белгилайди.

Гендернинг ижтимоий ташкил топганлигини антропологлар тадқиқотлари ҳам исботлайди. Улар ўзлари ўрганган жамиятларда ота ва она роллари, ижтимоий иерархияда эркаклар ва аёллар макеи қай тарзда белгиланганлигини кузатган.

Кейин пайдо бўлган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий эркакларга хос ва аёлларга хос деб ҳисобланган тасаввурлар ҳатто бир жамият ривожии тарихи давомиида ҳам ўзгариши мумкин.

Шуниси муҳимки, биологик ва ижтимоий хусусиятлардан ташқари гендерга маданий хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади. Энг кенг маънода маданият — инсоният томонидан дунё ҳақидаги билимларни англаш ва тартибга солиш давомиида вужудга келган нарсалар.

Маданият ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади — "тил, урф —одат, турмуш тарзи, ҳаракат меъёрлари, тафаккур, билимлар, қадриятлар, яъни афсоналар ва санъатда дунёнинг рамзий қабул қилиниши

Жинснинг биологик хусусиятидан фарқли ўлароқ ижтимоий ва маданий рамзий хусусиятларда "эркакларга хос" деб ҳисобланадиган ёки унга ўхшатиладиган барча тушунчаларда ижобий, аҳамиятли ва устувор деб белгиланадиган қадриятли йўналишлар мужассамлашган бўлади. "Аёлларга хос" деб ҳисобланган хусусиятлар эса салбий, иккиламчи ва бўйсунувчан деб қаралади.

Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўилаб тушунчалар "эркакларга хос" ёки "аёлларга хос" деб ҳисобланади. Яъни, ўзига хос "жинсий", гендер хусусиятга эга бўлади. "Эркакларга хос" ёки "аёлларга хос" тушунчаларни аниқ фарқлаш учун "феминлик" (аёллик) ва "маскулинлик" (эркаклик) тушунчалари қабул қилинган. Янги тушунчаларнинг киритилиши эркакларга хослик ва аёлларга хосликнинг биологик зиддиятини бартараф этишга, ва тегишли равишда эътиборни турли маданиятлар шакллаишининг ички

механизмларини гендер нуқтаи назаридан очишга йўналтирди.

Гендер фанида гендер фарқларнинг ташкил топиш жараёни одатда ижтимоийлаштириш жараёни билан боғланади. Ижтимоийлаштириш - бу индивид томонидан жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият юритиш имконини берувчи билим, меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоийлаштириш ўз ичига мақсадли таъсирнинг ижтимоий назорат қилинувчи жараёнларини қамраб олади. Масалан, тарбия, ёки унинг шаклланишига таъсир қилувчи табиий жараёнлар. Ижтимоийлаштиришнинг асосий институтларига оила, мактаб, тенгдошлар гуруҳи, атрофдагилар, шу жумладан қўшнилари, таниш — билишлар, дўстлар ота — оналар ва ҳоказолар ва айни пайтда оммавий ахборот воситалари киради. Умуман олганда бу тегишли маданий — меъёрий андазаларни ўзлаштириш, қабул қилиш ва ифодалаш жараёни содир бўладиган муҳитдир. Хусусан, жинсий — ролли ёки бошқача айтганда, гендер ижтимоийлаштириш жараёнида жамиятда қабул қилинган маданий меъёрларга мувофиқ равишда эркак ёки аёл гендер ўхшашликнинг шаклланиши содир бўлади. Ижтимоийлаштиришнинг турли жиҳатлари психология, ижтимоий психология, социология, тарих ва этнография, педагогика фанлари томонидан ўрганилади. *Гендер ўхшашлик* — муайян маданиятда амал қилувчи эркакларга хослик ва аёлларга хослик билан ўзининг боғлиқлигини англашдир. Ўзини эркак ёки аёл сифатида идентификациялаш — бу ушбу жамият томонидан уларнинг биологик жинсидан келиб чиққан ҳолда белгиланган психологик сифатлар ва ҳаракатлар моделини қабул қилиш демакдир.

Гендер атрофидаги роллардан келиб чиқадиган ижтимоий кутишлар, ва айни пайтда нутқ, услуб, кийим ва хатти — ҳаракатлардир. Эркаклар ва аёллар ғоялари бир — биридан фарқланади деб ҳисобланади, ва айрим жамиятларда ролли хатти — ҳаракатлар қутбланишган бўлиши мумкин:

... пассивлик — аёллар роли, фаоллик — эркаклар роли. Гендер роллар

билан боғлиқ бўлган кўрсатмалар айниқса меҳнатнинг эркаклар ва аёллар меҳнатига бўлинишида яққол намоён бўлади. Ўз навбатида индивид шахсига таъсир кўрсатади, инсон ўзи ва дунё ҳақидаги билимларни кенгайтириб, муайян ижтимоий масалаларга қандай ёндашиш кераклигини англашга интилар экан, кўпинча ўз тажрибасига эмас, атрофдагилардан олаётган ахборотга таянади. Биринчи навбатда, бу гендер ролларга тегишлидир. Эркаклар ва аёллар турли ролларни бажарувчи муҳит, шунингдек, оммавий ахборот воситалари эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқнинг қанчалик катталигини таъкидлаб келишади. Бундай фарқлар "табiiй" хусусиятга эга эканлиги, ўзгармаслиги, буларнинг барчаси ҳақиқат эканлиги тўғрисидаги ҳулоса ва одамлар ушбу кўрсатмалар ва кутишларга риоя этади. Ривожланиш психологияси соҳасидаги мутахассислар *"дифференциал ижтимоийлашув"* атамасидан гендер ролларини ўзлаштириш содир бўладиган жараёни белгилаш мақсадида фойдаланишади.

Дифференциал ижтимоийлашув жараёни кўпинча бола туғилишидан аввал вужудга келади. Ўғил ёки қиз туғилишини билиш ота — оналар ва атрофдагилар ҳаракатига таъсир кўрсатади, шунга кўра болага исм, кийим ва ўйинчоқлар танланади. Бола тарбиясининг ҳар бир босқичида, кейинчалик бутун умри давомида "эркакларга хос" ва "аёлларга хос" ҳаракатлар меъёрлари ва стереотиплар мустаҳкамланади. Уч ёшга келиб болалар ишонч билан ўзларини эркак ёки аёл жинсигамансуб деб ҳисоблайди ва бу гендер идентификацияга мос келади.

Шуни қайд этиш зарурки, мавжуд маданий воқеликни англаш, ўзлаштириш ва тиклаш жараёни гендер ижтимоийлашув даврида аввало тақлид қилиш даражасида содир бўлади. Ўзини англаш ва атрофдаги воқеликни тушуниш давомида индивиднинг ижтимоий ҳаракати кутилаётган ижтимоий меъёрларга мос келиши мумкин. Ички қаршиликка қарамай, анъанавий гендер ролларга бўйсунишга олиб келадиган ҳаракатнинг бундай турини

ижтимоий психологлар ён берувчи деб ҳисоблайди. Шунингдек, инсон жамиятда қарор топган гендер ролларга ва тегишли меъёрлар ва андозаларга тўлиқ қўшиладиган ҳаракат тури ҳам мавжуд. У маъқуллаш ёки интериоризация деб аталади. Ҳаракатнинг учинчи тури — бу идентификация, бунда эркакларга ёки аёлларга ўхшаш истаги туфайли ролларни оддий такрорлаш содир бўлади.

Индивиднинг гендер ролли ижтимоийлашувига таъсир кўрсатадиган катор омиллар мавжуд. "Эркакларга хос" ва "аёлларга хос" ўхшашликлар мустаҳкамланишига хизмат қилувчи махсус воситалар сирасига таълим, жамоатчилик фикри, адабиёт ва санъат асарлари, реклама, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва ҳоказолар кирази. Барча ушбу воситалар эркаклар ва аёллар роллари тўғрисидаги анъанавий тасаввурларни тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу орқали ушбу меъёрлар кўллаб - қувватланади.

Биологик детерменизм жамиятда жинслараро вужудга келадиган муносабатларни биологик жинсга мансубликнинг ҳосиласи сифатида кўриб чиқилади. Шу тарзда биологик жиҳатдан фарқланадиган жинслараро ва умуман ижтимоий гуруҳлараро муносабатларнинг тарихдан ташқарилиги ва эссенциализми мустаҳкамланади. Гендернинг ижтимоий ташкил топиши назариясида учта асосий тушунча фарқланади: жинс, жинсий мансублик ва гендер.

Фанда жинс хусусида бу анатомик, физиологик хусусият, индивидга берилган мақом, деган аниқ тасаввур мавжуд бўлган. Гендер эса феминист тадқиқотчилар томонидан "психологик, маданий ва ижтимоий воситалар билан эришиладиган мақом" сифатида кўриб чиқилади"⁶. Бироқ, шахснинг гендер идентификацияси кичиклигиданоқ, 5 ёшларга келиб шаклланиши, кейинчалик эса жамланадиган тажриба мустаҳкамланиб бориши гендер эришиш мумкин бўлган мақом эканлиги тўғрисидаги қарашни узгартиради.

Бошқача айтганда, "биологик жинс ва жинсга дахлдорлик аналитик

жихатдан фарқланади. Агар биологик жинс физиологик —анатомик хусусиятлар мавжудлигига кўра белгиланса, жинсий категориянинг белгиланиши шахслараро алоқалар жараёнида амалга ошади. Жинсларнинг биологик белгилари кийим остида яширинган. Уларнинг хусусиятлари ўзаро алоқаларда намоён бўлади. Е.Гоффман фикрига кўра идентификациянинг универсал воситаларига ташқи кўриниш, овоз, хуснихат киради, бироқ амалиёт кўрсатадики, у ёки бу жинсга мансубликни аниқ кўрсатиб берувчи ташқи кўриниш белгилари мавжуд эмас. Юз чизиқлари, сочлар, оёқ — қўллар узунлиги, овоз, кийим, безаклар бугунги кунда жинсни аниқ белгилашга хизмат қила олмайди. Жинс идентификацияси муаммоси вужудга келганда, коммуникация алоқаси узилади, агар жинс аниқ бўлса, коммуникация амал қилади ва идентификацияни бундай жараёни кундалик алоқалар жараёнида содир бўлади ва маданий нуқтаи назардан белгиланади. Шу тариқа гендер ижтимоий шаклланиш нуқтаи назаридан — бу шахслараро алоқалар тизими бўлиб, унинг воситасида ижтимоий тартибнинг асосий категориялари бўлган эркакларга хос ва аёлларга хос тасаввурлар яратилади, тавсифланади ва қайта тикланади".

1.2§. Гендер назариялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришлар ҳозирги даврда таълимни шахсни гендер тенглиги ва фарқлари асосида ташкил этишни ҳам педагогик жараён ҳамда тадқиқотларнинг таркибий қисмига айлантиришни тақоза қилмоқда. Зеро, қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги ижтимоий ҳамда ўқув муносабатларини тартибга солиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Чунки ўқув жараёнлари орқали истиқболда жамиятнинг эркак ва аёл аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар қарор топади. Шунинг учун мамлакатимизда ўтган асрнинг

охирларида таълим жараёнида гендер фарқлар ва ўхшашликларни ҳисобга олиш ҳақидаги фикрлар илгари сурила бошлади. Гендер концепцияси ижтимоий-педагогик таҳлил категорияси сифатида ҳозирги даврнинг янги бир йўналишидир. Айтиш мумкин, МДХ минтақалари ва Россия ҳудудидаги олиб борилаётган тадқиқотлар ва шу жумладан республикадаги олий таълим ва ўрта махсус таълимга алоқадор муассасалар ҳам гендер илмий ишлар ўтказиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини таълим жараёнига татбиқ қилиш каби долзарб масалаларга қаратилган. Ўзбекистон баъзи олий ўқув юртларида 2001 йилдан бошлаб ташаббускор ўқитувчилар томонидан гендер тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатларини ёритувчи маърузалар, махсус курслар шаклида ўқилмоқда ва илк тажрибалар тингловчиларнинг гендер тадқиқотларига қизиқиш кучаяётганлигини кўрсатапти. Республикада фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларида гендер тадқиқотларнинг ўтказилиши бўлғуси мутахассисларнинг қиз ва ўғил болаларнинг жинсий тафовутлари ўртача ўрганилиши янги таҳлилий ютуқлари асосида шаклланиб бормоқда эмас, балки мазкур соҳанинг юртимиз илм-фанида янада кенг қўламда ривожланишига ҳам ёрдам бериши шубҳасиз. Гендер тадқиқотларини ўтказишда фарқлар ҳамда ўхшашликлар таълим жараёнида қиз ва ўғил болалар ўқув фаолиятидаги ўхшашликлар ҳамда фарқларни ҳисобга олишга асосланади. Бу эса ўз навбатида, ўқув жараёнини самарадорлигини оширишга ёрдам беради. У ёки бу жинсга мансублик ўқувчи шахсининг имкониятларини, жинсий идентификациясининг ўзига хос ўта мураккаб ва такрорланмас хусусиятларини кўрсатиб беришга имкон яратади. Ўқув-билув шахсининг гендер фарқлари ва ўзига хосликларини ҳисобга олиш, таълимнинг самарадорлигини таъминловчи омил эканлигини мутахассислар ўз тажрибаларида янги ижтимоий қарашлар асосида исботлаб бермоқдалар. Шахс шаклланишида таълим ва тарбиянинг бири-бирига чамбарчас боғликлиги ва уларнинг натижасида шахсининг маълум бир

қиёфага, хислатга, хусусиятга, фазилатларга эга бўлиши масаласи ҳам ўзига хос бир ижтимоий жараён ҳисобланади. Ижтимоий жараён фақатгина инсоннинг маълумот олишига боғлиқлигини Дал В.И. қуйидагича изоҳлайди - “ маълумотлилик (ақл ва ахлоқ) ўсиб келаётган инсонга рухий, ақлий ва маънавий қиёфа бағишлашнинг яхлит жараёнини англатади. Бундай ҳодисани ҳозирги вақтда биргина "маълумотли" тушунчаси билан таърифлаш қийиндир, чунки бу ўринда бир шахс томонидан нафақат янги маълумотни олиш, балки у томонидан маълум (жумладан, ахлоқий) қоидаларни ҳам қабул қилиш ва ўзлаштириш назарда тутилади, бу жараёнлар эса "тарбия" тушунчасида ҳам ўз аксини топади.

Бундан ташқари, ўзининг яхлитлигига қарамасдан "таълим" сўзининг таърифида унинг "мазмуний шарҳининг тўртта жиҳатини" ажратиш мумкин:

- маълумот қадрият сифатида;
- таълим тизим сифатида;
- таълим жараён сифатида;
- маълумот натижа сифатида".

Бошқа, таъриф бўйича, "маълумотлилик тушунчаси учта асосий мазмунга эга: маълумотлилик — бу шахснинг эришган ютуғи, маълумот — бу шахс томондан ўз ютуғига эриши жараёни таълим тизими — бундай ютуққа эришиш учун барча фуқароларга ёрдам бериш учун мавжуд бўлган ижтимоий институт". Бундай таъриф бирмунча баландпарвоз туюлса -да, аммо амалда, мураккаб ва кенг қамровли маълумот тушунчасининг моҳиятини қамраб олади.

Эндиликда педагогика ва психология фанларида эришилаётган энг муҳим ютуқлардан бири гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятларинининг очилаётганидир. Бу ходиса таълимни гуманитарлаштириш нуктаи-назаридан алоҳида қимматга эга.

Гендер назарияларни таълим соҳасида акс этиши бу одатий ҳол бўлиб, жинслар уртасидаги ижтимоий ўзига хослиги ва маълум

меъёрлар ва маданий карашлар асосида юзага келадиган хулк-атвор масалаларига бориб такаладиган жараён хисобланади. Бунда эса гендер фарқларнинг ижтимоий, психологик ва педагогик жихатлари муҳим аҳамият касб этади.

Гендер педагогикасининг асосини ўғил ва киз болалар таълимининг ўзига хос хусусиятларини ва жихатларини таснифлаш эмас балки, гендер табакалаштириш воситасида шакллантириладиган ўқув, ижтимоий куникмалар ташкил килади.

Умумтаълимнинг кенг тарқалиши демократия ғоялари билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон учун нафақат билим олиш, балки шахсий салоҳиятини намоён этиш учун имкон яратди. Ёшлар учун билим олиш имкониятидаги ўзига хослик таълим олишга муносабат, фаол талаба булиш, тадқиқот ишлари билан шугулланиш, янги ғоялар ва таълимотларга нисбатан ижодий ёндашиш ва танкидий тафаккур килиш жараёнидаги ўзига хос булган катта аҳамият касб этувчи омиллар ва жихатларни юзага келишига сабабчи булади. Шунинг учун таълим соҳасидаги гендер карашлар талабанинг келиб чиқиши, миллати ёки жинсидан қатъий назар барча учун тенгликни таъминловчи восита сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Таълим ижтимоийлаштирув институти ва билим олиш жараёни сифатида ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбиясининг турли парадигмаларига эга педагогик фан билан чамбарчас боғлиқдир.

Гендер назариясининг ривожланиши шу билан бирга педагогика фанида янги ёндашувлар пайдо бўлишига таъсирини кўрсатди. Педагогиканинг ривожланиш жараёнида бу борада таълим олишнинг турли ёндашувлари мавжуд булиб, уларнинг барчасида жинсий фарқлар ва тенглик масаласи уз аксини топган.

Утган асрнинг 60-чи йилларигача педагогикада устувор йўналиш хисобланган анъанавий ёндашув, педагогиканинг асосий мақсадларига, яъни жамиятга фойдаси тегадиган шахснинг билимини шакллантириш ва уни тарбиялашга эришиш дастлабки вазифалардан бири деб эътироф қилган.

Мазкур йўналишдаги педагогикада таълимнинг анъанавий услублари ва қарор топган анъанавий "устоз—шогирд" муносабатлари қўлланилган, уларга кўра ўқитувчи "асосий ўрин" эгаллаб, ўқувчи эса унга берилаётган билимларнинг истёзмолчиси бўлган. Бу борада таълим жараёни педагогик бошқарув, ўқувчи шахсининг "ташқаридан" унинг фаоллиги ва индивидуаллиги ҳисобга олинмаган ҳолда шакллантирилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Пировард натижада анъанавий педагогикада ўқувчи итоаткор норефлексиялашган бажарувчи ҳисобланади.

1960 йилларнинг охирига келиб, Ғарб педагогикасида янги йўналиш — *танкидий педагогика* ёки *таълимнинг танкидий назарияси* пайдо бўлади, унга кўра анъанавий педагогика тамойиллари қатъий танқид остида олинади ва қўйта кўриб чиқилиши талаб этилади. Мазкур йўналишнинг етакчилари қаторига АҚШ академик педагогикаси вакиллари Анри Жиро ва Питер Макларен, француз танкидий педагогика олими Пьер Бордо ва бошқалар бор. Ушбу йўналишнинг назарий манбалари сифатида Л.Атхэтьюссер, А.Грамши, П.Бурдьё, Б.Бернстайннинг асарлари ҳисобланади. Ўша 1960-чи йиллари таниқли россиялик психолог-олимлар — Л.В.Занков, Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов ва бошқалар ҳам педагогикага алоқадор нуқтаи-назарларини ўзгартиради. Психолог-олимлар олиб борган илмий тадқиқот ишларида таълимнинг анъанавий моделлари ва гендер тенглик ва фарқлар тугрисидаги қарашларнинг ўзига хос янги жиҳатлари тадқиқот объектига айлантирилади.

"Танкидий педагоглар" таълимнинг мактабнинг иккиламчи вазифасига урғу берганлар ва уни бир томондан — ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий, жинсий ва бошқа мезонлар бўйича тақсимлаш жараёни сифатида ва бошқа томондан — ҳар ўқувчининг индивидуал ривожланиши учун туртки бўлиш ва натижада умумий жамият тараққиётига эришиш усули сифатида кўриб чиққанлар. Лекин ушбу ёндашувнинг муҳим жиҳати таълимни тор технологик доирада эмас, балки кенг тарихий, ижтимоий ва маданий нуқтаи назаридан кўриб чиқишдан иборат булган.

"Танқидий педагоглар", "яширин ўқув дастури" ёки "яширин режа" тушунчасини ривожлантирдилар. "Яширин дастур деганда, ўқувчиларга у ёки бу тамойилларни тўғридан — тўғри сингдириш эмас, балки таълимнинг алоҳида тўзилмаси ва услуби, вазифалар ва мисолларни танлаш тушунилади", ва улар ўқувчиларга сезиларли бўлмаган даражада таъсир кўрсатади. Демак, таълимнинг мазмунини таҳлил қилар эканлар, "танқидий педагоглар" "ўқув дастурлар ва дарсликлар нафақат "объектив билимларни", балки кутилган келажак ва тавсия этиладиган ижтимоий афзалликларни муайян даражада кўришни акс эттиради.

Шунга ухшаш масалаларни Г.Бреслав ва Б.Хасанинг олиб борган тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Уларнинг фикрича, ўсмирлик даврида ўғил болалар қиз болалардан ривожланишда (жисмоний ва ақлий) орқада қолади, бу эса қизларга 4 - 5 синфларда етакчи бўлишга, ўқишда ҳам, жамоатчилик ишида ҳам биринчи қаторда юришита имкон беради. Ҳақиқатан ҳам, кузатувлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, аълочи ва фаол қизларнинг сони ўғил болаларга қараганда кўпроқ. Буни шундай изохлаш мумкинки, жамоатчилик фаолияти алоқаларни ўрнатиш, муайян вазифаларни итоаткорлик билан бажаришни талаб этади, бу эса кўпроқ қизларнинг характериға хосдир

Феминистик педагогларнинг ёндашувлари муайян бир томонламалигига қарамасдан, феминистик педагогика гендер муносабатлари билан боғлиқ таълимдаги ўзига хос булган ўғил бола ва қиз болалар га муносабат услублари, мулокат ва фаолият жараёнидаги жинсий тафовутлар ва яширин муаммоларни артикуляция қилишга кўмаклашди.

Педагогик ёндашувларни ривожлантиришдаги кейинги қадам — бу гендер назарияси ютуқларини таълим соҳасига интеграциялаш ва *педагогикада гендер ёндашувни ёки гендер педагогикани* шакллантириш эди. Бу эса биринчидан - болага таълим ва тарбия беришда унинг қайси жинсга мансублиги кура анъанавий - жинсий ролли тарбия, иккинчидан эса гендер-ижтимоий жинсий тарбия. *Анъанавий жинсий—*

ролли тарбия жинслар ўртасидаги биологик фарқлар тўғрисидаги тассаввурга асосланади ҳамда жинсига тегишли бўлган катъий хулқ-атвор моделлари, муайян машғулотлари, касбларни белгилайди, Ижтимоий-жинсий ёки гендер турли жинсга мансуб инсонлар хулкига нисбатан муносабатда катъий талабчанлик мавжудлиги аслида йук, жамият эса уни ўзи шахсининг ижтимоийлашуви жараёнида яратади.

Мишел Палудининг ёзишича, бунуги кунда гендер психологияси соҳасида асосан андроцентрик қарашлар устиворлиги кузатилмоқда. Яъни, иккала жинс вакилида ҳам бир-биридан томонан фарқ қилмайдиган, иккаласида ҳам кузатиш мумкин бўлган психологик хусусиятлар кузатилмоқдаки, бу уларнинг энг аввало оила ва никоҳ масалаларидаги қарашлар уйғунлигидан келиб чиқади. Лекин методологик жиҳатдан олимнинг таъкидлашича, барибир, айнан аёлга хос сифатлар нормаси ҳақида гап кетганда, барибир улар эркак сифатларининг стандарти асосида таҳлил этилади. Аслида дунё миқёсида ахлоқ, муваффақиятларга интилиш мотивацияси кабилар ўрганилганда, асосан бу масалалар эркаклар ва ўтгил боллар мисолидагина ўрганилади. Агрессия бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг 50 фоизида фақат эркаклар, 10 фоизида аёллар, қолган 40 фоизида ҳам аёл, ҳам эркаклар биргаликда иштирок этган. Умуман, хорижда ўтказиладиган психологик тадқиқотларда кўпроқ эркаклар синалувчилар сифатида иштирок этиши ҳам ўзига хос ҳолатдир. Бизда эса психологик ҳамда социологик тадқиқотларда иккала жинс вакиллари тенг, ёки аксарият оила тадқиқотларида қизлар ва катта ёшли аёллар қатнашадилар.

Америкалик тадқиқотчи *Дэвид Майерс* жинс, генлар ва маданият масалаларини ўрганар экан, гендерни – эркаклик ва аёллик хусусиятларини тавсифловчи тушунча сифатида, *Палудидан* фарқли, жинсий тафовутларни ўрганиш хотин-қизларнинг эркакларга нисбатан анчагина масалаларда устунликка ҳам эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, аёллардаги тажовузкорлик, агрессиянинг камлиги, ўзгаларга ғамхўрлик ва ўзгалар ташвишларига нисбатан бефарқ бўлолмаслик, ҳамдарликлари айнан

уларнинг жамиятда тутган фойдали мавқеларини белгилаши мумкин. Айнан аёллар, бошқав тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонлар билан бўладиган муносабатларда илиқлик, яқинлик тарафдорларидир (*Нансй Чодорow, Жэан Бакэр Миллэр, Сорол Гиллбган* ва бошқалар).

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, жинсий тафовутлар айнан ёшлик чоғиданоқ намоён бўла бошлайди. Ўгил болалар, масалан, ёшликданоқ мустақилликка интилса, қиз болалар ўзаро боғлиқликка, кимлар биландир бирга бўлишга интилади. Агар ўгил бола кўпроқ кўпчилик иштирок этадиган ўйинларни афзал кўриб, кўчага чопса, қизлар кичикроқ тенгкурлар гуруҳида жипсликда ўйнашни, ўйин чоғида ҳам бир-бирларига ҳамдардлик кўрсатиш, тушунишга интилади, агрессия улар мулоқотида кам бўлади (*Лэвэр, 1978*).

Инсон улгайган сари жинсий тафовутларнинг намоён бўлиш кўлами ҳам кенгайиб боради. Буни таъкидловчи тадқиқотлар хорижда, Россияда ва МХД мамлатларида кўплаб ўтказилган. Уларда хотин-қизларнинг эрларидан фарқли жуда кўп жиҳатлари ажратилиб, уларнинг ташқи ижтимоий муҳитга муносабатлари – ҳамдарликлари, ўзгалар билан мулоқотга интиқликлари, муомалада ўзига хос тактикага эга эканликлари каби ўнлаб ёъналишлар экспериментларда исботланди. Масалан, *Эагли ва Жоҳнсон (1990)* изланишларида одамлар билан муомалада эркаklar кўпроқ авторитарликни, хотин-қизлар эса демократизмни намоён қилиши исботланган. Бошқарувда эркаklarга дўқ қилиб, директив оҳангда бошқариш, қарорлар қабул қилиш маъқулроқ бўлса, аёлларга – “команда, жамоа руҳи” билан жамоатчи лидер бўлиш осонроқдир.

Росси ва Росси (1990) тадқиқотлари оилага нисбатан гендер установкаларга бағишланган бўлиб, аёллар – оналар, опалар, қизлар ва бувилар тасаввурида оила бу муайян яхлитлик, бирлик рамзи эканлиги ва шунинг учун ҳам асосан вақтларини фарзандларига, айниқса, улар мактабгача ёшда бўлган вақтларида ҳамда кексайган инсонларга бағъишлаши мумкинлиги ўрганилган. Тугилган кунларга ҳам аёллар эрларидан фарқли кўпроқ совга-салом, откриткалар харид қилиши, бу ишларга бемалол пул сарфлайвериши

мумкин. Фотосуратларга қараб, ўзини ўзи баҳолаш вазифаси берилганда, айнан аёллар ўзларини оила аъзолари даврасида акс этган фотосуратларда алоҳида меҳр ва жиддийлик билан тавсифлай олганлар. Яъни, оилага нисбатан установка хотин-қизларда ҳамиша ижобий образга эга.

1.Боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришлар ҳозирги даврда таълимни шахснинг гендер тенглиги ва фарқлари асосида ташкил этишни ҳам педагогик жараён сифатида тадқиқотларнинг таркибий қисмига айлантиришни тақозо қилмоқда.Таълим жараёнида қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги ижтимоий ҳамда ўқув муносабатларини тартибга солиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам тадқиқот мавзуси бўйича яратилган таълимотлар, олиб борилаётган тажриба-синовлар ва уларнинг аҳамиятли масалалари жинсий ўзига хос бўлган муносабатларни ўрганишнинг долзарблигини исботлайди. Диссертация ишим биринчи бобида гендер фарқлар ва ўхшашликлар, тенгликлар, тафовутларнинг таълим тизимида ўзига хос узлуксиз шаклланадиган жараён сифатида қаралиши ва унинг тадрижийлигини таъминловчи назариялар, қарашлар, ўзига янги тадқиқотлар йўналишлари атрофлича ўрганилган ва таҳлил қилинган.

II. БОБ. Таълим жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг шарт-шароитлари

2.1. §. Ўзбекистонда гендер тараққиёти масаласи

Президентимиз *И.А. Каримов* раҳнамолигида ҳукуматимиз томонидан таълим, тарбия, давлат ва жамият қурилишларида таълим ва тарбиянинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилиниб, уларда ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, психология фани олдига долзарб муаммо сифатида гендер муаммоларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақил сиёсатиغا эга бўлган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган, хусусан, оила ва хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда юртимизда гендер тенгликни кафолатлаган давлатлар сирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон 1995 йилдаёқ “Хотин-қизлар камситилишининг барча кўринишлари олдини олиш бўйича СЭДАW Конвенция”сини ратификация қилган ва бу борадаги халқаро талабларни, ушбу йуналишда Миллий Ҳаракат дастурини босқичма-босқич бажариб келаётган мамлакатдир. Албатта, фуқаролик жамиятини бирдан, бир кунда қуриб бўлмаганидек, юртимизда гендер тенглик қонунан тўлиқ кафолатланганлигига қарамай, амалда эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашда муайян қийинчиликлар йуқ эмас. Бу бир томондан, миллий анъаналаримиз, урф-одатлар ва жамиятимизда жинслараро тенглик масаласига қарашлардаги ўзига хослик билан тушунтирилса, иккинчи томондан, қонунлар, жумладан, Халқаро нормаларнинг бутун Ер юзида бирдан ва сўзсиз ижросини таъминлашнинг имкони йуқлиги билан

изоҳланади. Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари жамиятда гендер тенглигини таъминлашда тараққиётдаги тадрийжийлик ва ривожланишнинг босқичма-босқич рўй беришини инобатга олган ҳолда одил сиёсат юритади. Бу каби масалаларни ечишда аввало, келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларда тўғъри тасаввурлар ва билимларни шакллантириш, шу орқали жинслараро мулоқотга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Давр талабидан келиб чиқаётган бу вазифа ўзбек психологлари олдида қатор муаммоларни қўйиш билан биргаликда улардан гендер муаммолари, жинсий тафовутлар масаласига илмий жиҳатдан ёндашишни тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўғъил ва қизларнинг ижтимоий тасаввурларида жинсий тафовутларга оид тушунча, билим ва кўникмалар, стереотиплар энг аввало оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий педагогика, ижтимоий психология доирасида айнан жинсий тафовутлар ва гендер муаммолари ўрганилиши ва амалиётда қандай эканлиги тадқиқ этилиши керак.

Гендер психологияси – психология фанининг бир соҳасидир. Бошқа соҳалар сингари у ҳам ўз тарихига эга. Аммо бу тарихни XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўрганиш ноўрин деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, уни фенемизм меваси дейиш ҳам нотўғъри. Бироқ фаннинг асосий хизмати замонавий психологик муаммоларга жамоатчилик фикрининг жалб қилиниши ҳисобланади.

“Гендер” атамаси (ижтимоий жинс, маданият маҳсули) пайдо бўлганига кўп бўлмаган бўлса-да (1975 йил), фанда илгари ҳам бир қатор гоя ва изланишлар мавжуд бўлиб, биз уларни ҳеч иккиланмай психологиянинг ушбу соҳасига алоқадор деб билишимиз мумкин. Фан тарихида 5 босқични ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

* тегишли гояларнинг фалсафий нуқтаи назардан ишлаб чиқилиши (қадимги даврлардан XIX аср охиригача);

* гендер психологиясининг предмети ва бўлимларининг шаклланиши (ХИХ аср охири XX аср боши);

* психоанализ *З.Фрейд* номи билан боғлиқ “Фрейд даври” (XX аср боши – 1930 йил);

* йирик экспериментал тадқиқотларнинг бошланиши ва илк назарияларнинг пайдо бўлиши (1950–1980 йиллар);

* гендер психологиясининг жадал суръатда ривожланиши: экспериментал тадқиқотлар, эмпирик фактларнинг назарий таҳлил қилиниши, маълум метод ва методикаларнинг адаптацияси ва махсус гендер методикаларнинг яратилиши (1990 йилдан шу давргача).

Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар ва турли ёъналиш вакилларининг феминизм ва жинслараро тафовутлар тўғрисидаги фикрларини умумлаштириб, шуни эътироф этиш мумкинки, иккита асосий шарт аниқланганда, жинсий тафовутлар борлиги тасдиқланади:

- *жинсий тафовутларнинг реаллигини эркак ва аёлдаги у ёки бу психик хусусиятлар мавжудлигини тасдиқловчи фарқ камида 10 % ва ундан юқорини ташиқил этгандагина тан олиш;*

- *ҳеч бўлмаганда, бир жинс 20 % дан кам бўлмаган кўрсаткични намойиш этган натижаларнигина ўрганиб чиқиш, яъни, бу – эркак ёки аёлда қайд этилган шахсий хусусиятлар ёки хулққа тўғри тавсифнома берилганини камида 5-6 нафар текширилаётган инсонлар ёки экспертлар бир овоздан маъқуллашганда. Яъни, методологик нуқтаи назардан, жинсий тафовут бор эканлиги ушбу статистик қоидалар риоя этилгандагина тан олинади.*

Ўзбекистонда ҳам гендер масаласи кўпинча оила муаммолари доирасида ўрганилиши анъанага айланган. Қатор тадқиқотларда (*Э.Гозиев, Г.Шоумаров, В.Каримова, И.Ёкубов, Б.Қодиров, С.Мирҳосилов, Э.Усмонов, Н.Согинов, Ф.Акрамова, Л.Каримова, Н.Салаева, О.Шамиева, О.Абдусатторова* ва б-қ.) оилавий ҳамда шахслараро ўзаро муносабатлар оирасида алоҳида аҳамият касб этган гендер тафовутлар ўрганилган.

Муаллифнинг оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий-психологик омиллари ва оқибатларига бағишланган асарларида оилада ёшларни гендер муносабатларга тайёрлаш муаммоларига, гендер тасаввурларнинг шахс тарбиясидаги ўрни (2006) каби масалаларда эътибор қаратилган. Бизнинг охириги тадқиқотларимизда¹ эр-хотин ва оиладаги сиблинг муносабатларнинг бола шахсига таъсири, жумладан, эркаклик ва аёллик фазилатлари шаклланишидаги ўрни ўрганилган, илмий хулосалар чиқарган.

Бу каби ота-она муносабатларининг фарзандларга гендер таъсири муаммоси Н.Салаева (2002) тадқиқотларининг ҳам предметиға айланган. Жумладан, у қўлга киритган хулосалардан бири, “ўзбек оилаларида оналарнинг оталарга нисбатан фарзандларга ўта ғамхўрлиги, яъни уларни қийинчиликлардан сақлаш, зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, фарзанднинг ўзига богъланганлиги ва тобелигини рағбатлантириш, уларда шахвонийлик ва тажовужкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлиги, оналарда оталарга нисбатан демократиклиликнинг кучлилиги исботланган”.

Гендер тафовутларга бағишланган айрим тадқиқотлар рекламадаги аёллар ва эркаклар образи (А.Дударева, 2003), ўғил ва қиз болаларнинг образидан фойдаланиш самараси (В.Каримова, 2006, С.Абидов, 2006), эр ва хотинларнинг реклама қилинган маҳсулотларга жинсга оид ўзига хос муносабатлари (Л.Каримова, 2003, 2004) каби масалаларга бағишланган. Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган эмпирик маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, реклама соҳасида катталар ва болалар образидан кенг фойдаланилади, лекин уларни идрок қилиш ва харидорлик установкаларида аниқ равшан жинсий тафовутлар мавжуддир (В.Каримова, С.Абидов, 2005, 2006). Айниқса, бола образи акс эттирилган рекламанинг қизлар ва ўғил болалардаги жинсий идентификацияга бевосита таъсири алоҳида ўрганилса, бизнинг фикримизча, маълумотларнинг тадбиқий аҳамияти янада кучли бўлар эди.

Л.Каримованинг Ўзбекистонда ўтказган тадқиқотида оиланинг даромадига кўра кимнинг реклама маҳсулотларининг истеъмолчиси эканлигидаги жисний ўзига хосликлар аниқланган. Масалан, у ўз тадқиқоти мобайнида 50 та эр-хотинлар жуфтлиги ўртасида сўров ўтказиб, замонавий оилада кўпчилигина масалаларда хотин-қизларнинг фикри етакчи эканлигини аниқлаган (*Л.Каримова*, 2004). Масалан, “Оилангизда ким пул маблағларини тақсимлайди?” деб берилган саволга эркекларнинг 73%и ва аёлларнинг 51% “мен зим” деган жавобни беришган. Лекин “Кунига уй учун бирор нарса харид қилишга тахминан қанча вақт сарфлайсиз?” деган саволга эса, эркекларнинг 69%и “билмайман” жавобини берган бўлса, аёлларнинг 71% “бир соатгача”, 7%и 2 соатдан ортиқ вақт ажратишларини қайд этишган. “Реклама қилинган хўжалик молларининг сотиб оласизми?” деб берилган саволга 14 фоиз эркеклар ва 32 фоиз аёллар ижобий жавоб бергани ҳолда, 58% эркеклар “йўқ” жавобини берганлар. Шундан тадқиқотчи уларнинг реклама қилинаётган маҳсулотларга ишончини аниқлаганда, эркекларнинг 45 фоизи ва аёлларнинг 48 фоизи ишонини қайд этганлар. Демак, реклама қилинаётган маҳсулотлар дунёсида хотин-қизларнинг фаоллиги бугунги кунда эркекларникидан анча юқори. Демак, замонавий оила бекалари оилавий даромаднинг тақсимоти ва уни нимага ишлатиш масалаларида ҳам етакчиликка даъво қиладилар. Чунки уй бекалари уй юмушларини бажаришда кўпроқ хўжалик молларидан фойдаланади, фарзандларини юйиб-тараш ва уларни богча ёки мактабига зарур бўлган нарсаларни ҳам яхшироқ билгани сабабли, реклама қилинаётган товарларнинг энг яхшисини ва арзонини харид қилиш тарафдори ҳам бўлиб боради. Бу ҳолатни миллий реклама компаниялари инобатга олишлари керак.

Шу каби ишларларда Ўзбекистонда муайян ижтимоий-психологик муаммо тадқиқ этилганда, гендер тафовутларга эътибор бериш тобора анъанага айланиб бормоқда. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда психологлардан ташқари, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ҳам бу муаммони четлаб ўтмаганлар. Жамият

ва оила ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни ва ролига бағъишланган қатор анжуманлар, монографик тадқиқотлар, диссертациялар айнан шу муаммога бағъишлангандир. Масалан, ёш тадқиқотчи *О.Абдусатторова* (2007)нинг диссертацион изланиши бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда ўсмир ёшли ўғил ва қиз болалардаги гендер тасаввурларга боғлиқ жинсий идентификацияни аниқлаш ва бунда оила муҳитининг ролини асослаш учун ижтимоий психологияда қўлланилган қатор ишончли методикалардан фойдаланилган ва эмпирик изланиш ҳам ота-оналар, ҳамда уларнинг ўсмир ёшли фарзандлари ўртасида ўтказган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар ўртасидаги ўтказилган тест ва сўровлар уларнинг гендер установкаларини ва лидерлик мақомларини аниқлашга имкон берган бўлса, фарзандлари ўртасида олиб борилган эмпирик тадқиқот оталик ва оналик гендер мақомларининг қизлар ва ўғил болаларда ўзига хос установка шаклида идентификацион жараёнлар йуналишини белгилашини исбот қилди. Замонавий ўзбек оиласидаги эркаклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатларида аёллар мавқеининг мустақкамланиб бораётганлиги, уларнинг лидерлик позицияларида ҳамда турмуш ўртоқларини ҳамкор ва шерикчилик муносабатлари тизимида кўришни афзал кўришларида намоён бўлди. Шу сабабли ҳам бу ҳолат уларнинг ўз жинсларини ва турмуш ўртоғидаги қарама-қарши жинсга нисбатан установкаларини белгилайди. Тадқиқот замонавий эркаклар ва хотин-қизларнинг аёллик ва эркаклик образларида фемининлик ҳамда соф маскулинлик сифатлари кўпроқ андрогенлик сифатларига ўрин бераётганлигини, қизларда маскулинлик сифатлари ҳам тобора сезиларлироқ намоён бўлаётганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, юртимизда гендер тадқиқотлари учун кенг йўл очилган ва уларда таълим ва тарбияга нисбатан ижтимоий установка устивор масала сифатида қаралади.

2.2.§. Таълим жараёнида гендер ўхшашлик ва тафовутлар масаласи

Таълим жараёни шахс шаклланиши ва тараққий этишида, ҳамда гендер хусусиятларни мужассамлаштиришда энг муҳим жабҳалардан биридир.

Таълим жуда кенг маънога эга бўлиб, у билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, ўрганиш, ўргатиш жараёнидир. Бу таъриф ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси учун етарли эмас. Чунки ҳозирги мустақиллик даврида таълим ўзининг мазмуни билан ўқувчиларга билим, кўникма ва малакалар бериш билан бирга ўқувчиларни ҳозирги замон руҳида, миллий кадриятлар, жаҳон маданияти ва маъорифининг илғор ғояларидан оқилона фойдаланиб тарбия берувчи, бола шахсини ривожлантирувчи, уни мустақил фикрлашга ўргатувчи, илмий тушунча ва изланишларга лаёқатли қилувчи, бола шахсини шакллантирда гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олиш ва уни таълим соҳасига татбиқ қилиш ҳамдир.

Таълим икки томонлама жараён:

биринчидан, ўқитувчи томонидан бажариладиган, бошқариладиган, гендер хусусиятларни инобатга олиш; иккинчидан, ўқувчи томонидан бажариладиган жараён яъни гендер фарқлар ва тенгликлар, ўхшашликлар ва тафовутларни намоён қилишдир. Демак, таълим жараёни ўргатиш, ўрганиб олиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш хусусияти билан бирга ўғил бола ва қиз болаларнинг ўзига хос бўлган гендер масалаларининг ҳам тараққий этиши ва тўғри шаклланишига замин яратувчи жараёндир.

Ўргатиш (ўқитиш) – бу ўқитувчиларнинг ўқувчиларга билим, кўникма ва малакалар бериш, уларда янги ҳақиқатни очишга қодир бўлган ижодий, мантиқий тафаккурни тарбиялашдир.

Ўқитиш ўз олдига шундай муҳим вазифани қўяр экан, у ўқитишнинг тамойилларига бўйсунити мақсадга мувофиқ ҳолдир. Ўқитиш тамойиллари таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг асосий тамойилларига қанчалик мос келса уларни амалиётга жорий этиш шунчалик катта аҳамият касб этади.

Ўқитиш тамойили – дидактик категория бўлиб, у таълим - тарбия

жараёнининг мақсади ва вазифаларига боғлиқ ҳолда ўқитиш қонунлари ва қонуниятларининг амалиётга қўлланиш усулини белгилайди. Ўқитиш тамойиллари таълим тизимининг тузилиши, моҳияти, унинг қонуниятлари ҳақидаги шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этадиган, ҳамда гендер масалаларига ҳар бир ёш босқичининг ўзига хос хусусиятларини тўғри шакллантиришга қаратилган ҳамда амалиётни бошқаришда намоён бўладиган билимлар мажмуидир.

Ўқитиш ўзининг мазмунига биноан ривожлантирувчи ва тарбияловчи қонуниятлар билан белгиланади. Бу қонуниятлар ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, воситаларини ва шакллариининг ижтимоий моҳиятга боғлиқлиги билан белгиланади.

Ўқитишнинг ривожлантирувчилик қонуни – таълим жараёнида ўқувчи, талабаларнинг ақлий жиҳатдан шакллантириш яъни фикр юритиш жарёнлари, ақл сифатлари ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш, эътиқод ва дунёқараш, комил инсон шахсини шакллантириш каби масалаларни қамраб олади.

Ўқитишнинг тарбияловчилик қонуни – таълим жараёнида талабаларни маънавий – ахлоқий, ақлий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, жинсий каби тарбия мазмунини йўлга қўйиш, халқимизнинг маънавий – маърифий меросини ўрганиш, умуминсоний қадриятлар руҳидаги авлодни тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Шунингдек, ўқитиш қонуниятларига:

1. Ўқитиш мақсади, мазмуни, воситалари, шакллариининг ижтимоий муҳитга боғлиқлиги.
2. Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги .
3. Самарадорликнинг талабаларни билиш фаолияти ҳарактерига боғлиқлиги.
4. Ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гуруҳли ўқитишни ташкил этиш.
5. Ўқитишда назария ва амалиёт бирлиги ва узвий боғлиқлиги.

6. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим.

Таълим жараёнида юқорида келтириб ўтилган масалалар билан бир қаторда гендер тенглик ва фарқлар муаммоси жуда мураккаб, лекин ўқитилаётган ўқувчиларнинг индивидуал ва ёшлик хусусиятларини ҳисобга олиб, ўқитиш усуллари тўғри жамлай билган ўқитувчигина ўз мақсадига эришади.

Ўрганиш – бу ўқувчиларни ўқитувчи томонидан берилган билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари, қабул қилишлари, ўзларида билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларни таркиб топтириш жараёнидир. Бу пассив мушоҳада жараёни эмас, балки ўқитувчи томонидан ўқувчиларга бериладиган билим ва малакаларни, янги информацияларни актив равишда қайта ишлаш жараёнидир.

Ўрганишнинг асосий моҳияти шундаки, бунда ўқиш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда билим ола билиш ва бу билимлардан фойдалана олиш кўникмасини ўз ичига олувчи ақлий ва жисмоний меҳнат элементларини ўзига сингдиради. Таълимнинг ижтимоий психологик моҳияти – мустақил билиш фаолиятидир.

Ўрганишнинг асосий мақсади боланинг мустақил равишда таълим олишга бўлган интилиши, унинг ўзидан илгари ўтган авлодлар тажрибасини эгаллаб олишга қаратилган фаолиятининг, жамият моддий ва маънавий маданиятида ўз аксини топган бойликларни билиб олишга қаратилган фаолиятнинг махсус шакли сифатида билим олишдан иборатдир. Бу эса таълим олишнинг психологик қонуниятларини очиб беришни талаб қилади.

Маълумки, ҳозирги замон таълими ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнинигина эмас балки уларга дифференциал ёндашувлардан гендер тенглик ва фарқлар масаласига ҳам эътибор қаратилиши зарурлиги, чунки ҳозирги кунда фан ва техника шу даражада тараққий этдики, натижада таълим жараёнида компьютерлар, масофадан туриб ўқитиш, интернетлар хизматидан фойдаланиш каби имкониятлар пайдо бўлди. Булар эса таълим жараёнида ақлий фаолликни шаклланишини жадаллаштиришни талаб қилмоқда ва гендер хусусиятларнинг ўзига хос

иухим жихатларига эътибор қаратилиши зарурлигини исботламоқда.. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон таълими - ўқувчи шахсини ақлий томондан ривожлантирадиган, маънавий – ахлоқий сифатларни тарбияладиган, ўқувчи шахсини шакллантирадиган ҳамда жинсий тафовутларни инобатга олиш талаб этилмоқда.

Ўқувчи муайян билим, кўникма, малака ҳосил қилиш учун, ҳуқ-атвор шакллари тушуниб олиш учун ўзида бор бўлган гендер хусусиятларини ҳам, ижтимоий тажрибалардан ташкил топган малакаларнинг асосий кўламини эгаллаб олиши учун у ўқув - тарбия тизимининг турли соҳалари билан машғул бўлмоғи ва бу ишларга жалб этилмоғи керак. Бундай ҳолларда тегишли бир мазмунни ўзлаштириб олиш бир – бири билан алоқадор бўлган икки жараён: таълим олиш ва ўқитиш жараёнининг натижаси сифатида зуҳр этилади. Муттасил таълим олиш ғояси жорий қилинаётган бир шароитда таълимот инсон, инсон ижтимоий фаоллигининг субъекти ҳамда ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини доимий равишда камолга етказишга қаратилган фаол ижтимоий фаолиятнинг мустақил шакли сифатида кўпроқ аҳамият касб этиб боради.

Таълим жараёни ўқувчиларда фақатгина билим, кўникма ва малакаларни шакллантирибгина қолмайди, балки ўқув фаолиятининг субъекти сифатида муайян психик хусусиятларга эга бўлган ўқувчининг яхлит бир шахси ва гендер тафовутларни ўзида мужассамлаштирган ўқувчи шаклланади ва. Ўқув фаолияти натижасида ўқувчида илгари мавжуд бўлган билимларга, теварак-атрофдаги ҳаётни инъикос этиш усулларига, унинг ҳаракат дастурига қўшимча тарзда шахснинг онгида, ҳамда унинг психик хусусиятлари мазмунида ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Эгаллаб олинган билим ўқувчи шахсига таъсир кўрсатади ва у ўша билимларни қандай ўзлаштириб олганига боғлиқдир. Бу эса:

- * дастур асосида ўзлаштириб олинган ахборотни илгари мавжуд бўлган ахборотга яқинлаштириш жараёнида ҳам гендер фарқлар намоён бўлади;
- * илгари ўзлаштирилган ахборотни қайта тиклашга асосланишда ўгил ва қиз

болаларнинг ўзига хослиги намоён бўлади;

* ўзлаштирилган материалларни муҳим хусусиятлари, алоқа ва муносабатларига суяниб, тафаккурда қайта ишлаб чиқиш ва уни изоҳлаб бериш тафаккурдаги гендер тафовутлар юзага чиқади;

* қайта ишлаб чиқилган материални эсда олиб қолиш, сақлаш ва унинг билим бойлигига айлантириш учун машқ қилиш имконини беради. Бу эса ўқувчини олган билимларини амалиётга гендер ўзига хосликда тадбиқ этишига олиб келади. Бундай жараён эгаллаб олинган билимларни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув фаолияти фақат ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштиришдангина иборат эмас, балки у ўқувчининг дунёқарашини ўзгартириш, билимини кенгайтириш ва бойитиш функцияларини ҳам бажаради. Ўқиш киши учун унинг сермахсул фаолиятида қўлга киритиладиган самарадорликни таъминлаш воситаси бўлиб қолади, фан- техниканинг тараққиётида у узлуксиз ўз билимини ўзи бойитиб ва ўзини – ўзи такомиллаштириб борадиган жараёнга айланади. Натижада ўқувчи ўз – ўзини англайди, таълим эгаллашга қизиқиши ортади, ўзини назорат қилади, баҳолайди, гендер тенглик ва тафовутлари ижобий муносабатда бўлиш орқали шаклланиб боради.

Таълимнинг муваффақияти ўқув материалининг мазмунигагина, таълим усулларигагина эмас, балки кўп жиҳатдан ўқувчининг қандай ўқиётганлигини билишга, яъни ўқувчининг ёш хусусиятларига, ақлий тараққиёти ва активлигига мувофиқ малакаларни ўзлаштириш жараёнининг психологик асосларини билишга ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос бўлган гендер хусусиятларига боғлиқдир.

Ўқиш жараёни ўгил бола ва қиз болаларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳам – унинг психик ривожланишининг (ақлий, эмоционал, иродавий жиҳатдан) индивидуал тавсифномасига, унда ўқишга нисбатан қарор топган муносабатларга, унинг қизиқиш сабабларига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, таълим жараёни ўқувчига нимани ва қандай қилиб

Ўзлаштиришнинг оддий бир хил натижаси эмас, яъни сиртдан таъсир қиладиган шарт-шароитларнинг оқибати эмас, балки ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Рус психологи В. А. Крутецкийнинг фикрича таълимни ижодий ўзлаштириш, ўрганиш, билим эгаллаш уч факторга:

- *нимани ўқитишга,

- *ким ўқитади ва қандай ўқитишга,

- *кимни ўқитишга боғлиқ.

Биринчи ҳолда ўқиш характери ўзлаштирилаётган материалга, унинг мазмунига ва қандай тизимда етказиб берилаётганлигига боғлиқ.

Иккинчи ҳолда:

- * ўқитувчининг услубий маҳоратига,

- * иш тажрибасига,

- * ўқитувчининг шахсий хусусиятларига ва унинг билимига боғлиқдир.

Учинчи ҳолда:

- * кимни, қандай ўқувчини ўқитишга,

- * психик ривожланишнинг индивидуал тавсифномасига,

- * қизиқиш ва ҳавасларига боғлиқдир.

Ўрганиш, билимларни ўзлаштириш, информация олиш, эсда сақлаш ва уни англаб олишнигина эмас, балки билимларни кейинчалик ўқув ишида, шунингдек, меҳнат жараёнида умумий турмушга тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлишидир. Аммо бунинг ўзигина таълим жараёнини муваффақиятини белгилаб бермайди, бунинг учун билимларни ўзлаштиришга таъсир этадиган шарт-шароитларни ҳамда ўқувчилар томонидан гендер ўзига хосликларни намоён қилиш механизмларини ҳам билиш муҳимдир. Ўқитувчи билим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштиришнинг психологик компонентларини билиши талаб этилади. Бу компонентларни намоён қилинишида специфик гендер хусусиятлар, ўзига хосликлар ва жинсий тафовутлар кузатилади.

Билимларни ўрганиб олиш, уни ўзлаштириш қуйидаги психологик

компонентлар асосида бўлади:

- ўқувчиларнинг ўқишга ижодий муносабатда бўлиши;
- материал билан бевосита ҳиссий танишиш жараёни;
- олинган материални актив равишда қайта ишлаш жараёни бўлган фикрлаш тафаккур;
- қабул қилинган ва ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш жараёни.

Агар ўқувчига ўзлаштиришнинг мана шу компонентлари ва гендер ўзига ҳисобга олиб таълим берилса ва ҳар бир компонентда таълимни ўзлаштириш жараёнига эътибор берилса, ўқувчи уни муваффақиятли ўзлаштиради.

Ўрганиш йўл – йўлакай, тасодифий ва режали бўлиши мумкин ва айнан ушбу жараёнда гендер фарқлар яққол намоён бўлади

Йўл – йўлакай ўрганиш турли материал ва информацияларни турли шароитда ўрганишдир. Бунда ўқувчи материални изланишлар, кўп китобларни мутоала қилиш, керакли материалларни топиб, уни ёзиб ёки белгилаб қўйиш орқали ўрганади. Бундай ўрганиш инсон ҳаётининг турли фаолиятлари давомида рўй беради.

Тасодифий ўрганиш фаолият давомида кундалик ҳаёт ёки телевизор ва радиоларда, газета ва журналларда, ахборот технологияларида баён қилинган материалларни фавқулотда эшитиб идрок қилишдаги ўрганишдир.

Режали ўрганиш эса материалларни мунтазам равишда, режа асосида, мақсадга қаратилган фаолият муайян дастур ва дарсликлар, қўлланмалар орқали ўрганиш демакдир. Режали ўрганишнинг асосини таълим жараёни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ўрганиш фаолият ҳисобланади. Ўрганиш бу стихияли жараён эмас, балки у мақсадга қаратилган, режалаштирилган жараёндир. Ушбу жараёнда педагог мақсадли ва тизимли гендер фарқларга ўқувчиларда шаклланишига эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, ўрганиш – материални ўзлаштириш – бу онгли жараён бўлиб у фаол жараён ҳамдир, чунки ўқувчи ўқитувчи томонидан баён қилган материални ўзининг тажрибасига, ҳаётга боғлаш билан бирга воқеликка

онгли муносабатда бўлади. Бунда ўқитувчи шахси ҳам, ўқувчи шахси ҳам фаоллик кўрсатиши лозим. Уларнинг диққат эътибори муайян фаолияти мақсадга қаратилиши керак. (Ўқитувчи) $S \rightarrow \Phi \leftarrow S$ (ўқувчи) (Ф-фаолият мақсади) Ўргатиш жараёни ўқитувчи шахсига, унинг педагогик фаолиятга қандай тайёрлигига ва ўз билимларини ўқувчилар шахсига етказиб беришига, унда ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олишга, таълимнинг ҳаётга ва болалар тарбиясига боғлаб олиб боришига боғлиқдир. Таълим жараёни ўзига хос психологик асосларга асосланади, ушбу асосланишда гендер фарқлар ва тафовутлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўрганиш ва ўргатишни яъни таълим жараёнини психологик асослар қуйидагича;

1 – таълимни психологик асослари ҳақидаги умумий масалалар яъни таълимнинг мувоффақиятини нималарга боғлиқлиги, ўрганиб олишнинг психологик компонентларига;

2 – болаларнинг ёш хусусиятларига кўра, яъни синфлар бўйича таълимнинг психологик асосларига;

3 – айрим ўқув предметларининг (математика, физика, химия ва б.қ) алоҳида хусусиятларига кўра таълимнинг психологик асосларини ўз ичига олади.

Таълим берувчи ўқитувчилар гендер ўхшашлик ва фарқларга айнан ушбу жараёнда катта аҳамият беришлари ва тўғри позицияни шакллантиришлари ва буларни ҳисобга олишлари талаб қилинади.

Демак, таълим маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим ва малакалар билан қуроллантирадиган ва уларни билим қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. У тараққий қилиб берувчи жараён. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар орасида, янгилик билан эскилик орасида, ўқиш билан ўқитиш орасида қарама – қаршиликлар ҳамда гендер тафовутлар ва ўхшашликларнинг ҳисобга олишда бўлиши муқаррардир.

Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқитувчи ҳам ўқувчи ҳам ўз

гендер масалаларини назарда тутган холда фаолиятини бошқариш лозим бўлади.

Маълумки, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва гендер хусусиятларни ҳисобга олиш анча қийин жараёндир. Лекин уни бутунлай бошқариб бўлмайдиган жараён деб аташ ҳам нотўғридир, чунки у аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясига зиддир. Чунки ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, уни амалга оширади дейиш ҳам уни бошқариладиган жараён деган маънони бермайди. Чунки биз бошқариладиган таълим деб шундай таълимни айтамызки, бунда ҳар бир боланинг ҳаракатлари назорат қилиниши, ўқитувчи таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ёки муайян кўникма ва малакаларни ҳосил қилиши ҳақида узлуксиз ахборот олиб ва яъни материални ўтилган материалнинг ўзлаштирилганлиги ҳаракатига қараб тақдим қилиши лозим. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини ва ақлий ривожланишнинг боришини ҳамма вақт ҳам назорат қила олмайди. Айнан ушбу жараён гендер хусусиятларда яққол намоён бўлади. Бу ҳозирги таълим жараёнининг жиддий камчилиғидир.

Жаҳон психологларининг фикрича, билимларни бошқаришнинг мумкин бўлган йўли – ўзлаштириш жараёнини берилган топшириқнинг ўзлаштириш жараёни сифатида маҳсус ташкил этишдир. Бу соҳада яхшироқ ишланган тизим П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларни этап бўйича таркиб топтириш назарияга асосланган таълим тизимидир. Бу назарияга мувофиқ, одамнинг антогенетик ривожланишида ҳаракатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташқи ҳаракатларнинг ички ақлий ҳаракатларга айланиш жараёнларида рўй беради. Даставвал ўқувчилар ташқи, моддий ҳаракат билан иш кўради. “Фақат шундан кейингина ҳаракатнинг аста-секин ўзгариши – умумлаштириш ва у бажараётган даражани ўзгартириш натижасида, ҳаракатнинг интериоризацияси; яъни унинг ички ҳаракатга, энди бутунлай боланинг ақлида воқе бўладиган ҳаракатга айланиши рўй

беради” – деб ёзади А. Н. Леонтьев.

Таълим жараёнини бошқаришда П.Я.Гальпериннинг ўзлаштириш жараёнини махсус ташкил қилиш, таълимни этаплар асосида ташкил назарияси муҳимдир. Унинг муҳимлигини айнан гендер хусусиятларни инобатга олишнинг ўзига хос ижтимоий педагогик жихатлпрининг мавжудлигидир.

Бу этаплар қуйидагича:

I этап – болага ўзлаштириш учун йўл – йўриқлар кўрсатилмайди. Ўғил ва қиз болаларга дифференциал ёндашилади.

II этап - ўзлаштириш учун йўл – йўриқлар кўрсатилади ва ўқувчи уни бажаришга киришади. Айнан жинсий тафовутларга катта эътибор қаратилади.

III этап – моддий ҳаракат босқичи бўлиб, бунда ҳаракат ё предметларда ёки уларнинг тасвирларида схема, чизмалар, макетлар ва турли чизмалар олиб борилади, уларни нарсалар билан таққосланилади.

IV этап – кейин шу ҳаракатларнинг ўзини нарсаларга таянмай баланд овоз (нутқ) воситасида бажарилади.

V этап – баланд овоз воситасида ҳаракат қилишни ички режага кўчириш – бу худди ўша ташқи нутқнинг ўзи, лекин “ўз ичида” ҳаракат қилишдир.

VI этапда – ички нутқдаги “ўзи учун” ҳаракат қилишдир. Ўғил ва қиз болаларда ўзига хос психологик қонуниятлар асосида намоён бўлувчи акт.


Ақлий ҳаракатларни босқичма – босқич таркиб топтириш шу жараён қайси шарт ва усуллар ёрдамида таркиб топган бўлса, ана шу шарт ва усуллар тизими томонидан детерминлаштирилган экан, бу уларни эгаллаш, бошқариши мумкин эканлигини англатади. П. Я. Гальперин раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар фикрлаш ҳаракатларини кўрсатиб ўтилган тамойил бўйича таркиб топтириши таълим жараёнини самарали бошқариш имконини беради, деб кўрсатади.


Таълим жараёни ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини таъминлаши

мақсадга мувофиқ. Чунки, ақлий ривожланиш – бу таълимнинг мазмунини фаол идрок қилиш орқали уқиб олиш; уларни тезлик билан мнемик йўллар асосида хотирада қолдириш, ушбу жараёнда ҳам ўғил ва қиз болалар ўртасидаги тафовутларнинг мавжудлиги, фикр юритиш жараёнлари орқали уни қайта ишлаб чиқишнинг ривожланишидир қиз болаларнинг реактивлиги ва ўғил болаларга қараганда эмоционаллиги. Яъни бу – умумий интеллектни ривожланишидир. Бу шундай фаолиятдирки ўқишдаги муваффақият ана шунга боғлиқдир. Бу боғлиқликнинг намоён бўлиши гендер хусусиятларнинг бир тизимда шакллантирилишига олиб келади.

Ақлий ривожланиш аввало таълим жараёнида ақл сифатларини жумладан, мустақиллик, изчиллик, пишиқлик, танқидийликни ўз ичига оловчи умумий ақлий қобилиятлар ўқувчининг назарий билим ва амалий фаолият имкониятларини характерлаб беради.

Ақлий қобилиятлар – таълимни – бу эса атрофдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, муносабатларни ўзига хос бўлган хусусиятларини гендер жихатдан ифода қилиш: фаросатлилик, чуқур ўйлаш, танқидий ёндошиш орқали ҳал қилиш имкониятига эгадир.





Ақлий тараққиёт ҳақида П.Я.Гальперин ва Н.С.Лейтис билан бир қаторда Ю.А.Самарин, Н.А.Менчинская каби психологлар ҳам ўз фикрларини баён қилганлар.

Ю.А.Самарин - ақлий фаолиятнинг ассоциатив табиатни мунтазамлик тамойили асосида ақлий фаолият даражаларини классификациялади. Яъни:

- * локаль ассоциациялар даражаси – айрим ходисалар ўртасида;
- * чекланган – системали ассоциациялар даражаси – коллежда ўқитиладиган бирор курснинг айрим мавзуси ва бўлими чегарасида;
- * ички системали ассоциациялар даражаси – муайян ўқув фани даражасида.

Н.А.Менчинская ақлий ривожланиш онгда ниманинг акс этиши билан ҳам ва акс этиш қандай содир бўлиши билан характерланади, деб таъкидлади. У ақлий тараққиётни ақлий операциялар яъни фикр юритиш жараёнлари ривожлантиради, деган фикрни илгари сурди.

Агар юқоридаги олимларнинг фикрларини таҳлил қилсак таълим жараёнида ақлий ривожланиш асосий масала эканлиги кўриниб туради. Ўқувчи таълим жараёнида мустақил ва изчил фикр юритмаса, олган билимларини фикр юритиш жараёнлари ёрдамида таҳлил қилиб уларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган тамойилларини, ўхшаш ва фарқларини, тўғри ва нотўғрилигини ажрата олмаса; тегишли, асосли тушунчаларга эга бўлмаса, уларни асослаб бера олмаса; тасдиқ ёки инкор қилиш имкониятига эга бўлмаса билим жараёни билим бойлигига айланмайди.

Ақлий тараққиёт тафаккурнинг мустақиллиги, ўқув материални ўзлаштириш тезлиги, мураккаб материалларни ҳал қилишда ақлий

чамалашнинг тезлиги, ўрганиб чиқиладиган материалнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, ақлнинг танқидийлиги ақлий тараққиёт мезони ҳисобланади.

Ақлий тараққиётда мавзу мазмунини идрок қилиш тезлиги билан умумлаштиришнинг тезлиги муҳимдир. Бу эса таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини белгилайди. Шунинг учун ҳам таълимни шундай уюштириш лозимки, у ўқувчининг ақлий ривожланишига максимал даражада ёрдам берсин, боланинг ақлий имкониятларидан фойдаланишга мажбур қилсин. Ушбу жараёнда эса гендер фарқлар ва ўхшашликлар намоён бўлади.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг меҳнат фаолияти у меҳнат дарсими ёки синфдан, коллеждан ташқари олиб бориладиган меҳнатми ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир қилади. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шарти бўлиб шахснинг онгли фаоллигидир. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва иродасини тарбиялаш орқали болаларнинг кузатувчанлиги, диққати ривожлана боради. Меҳнат фаолияти ўқувчиларда нарсаларнинг ўзини ва уларнинг шакллари, ҳаракатларини, масофани ва бошқаларни эса қолдириш билан боғлиқдир. Одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти ҳар вақт маълум мотивларнинг бўлишини тақозо қилади. Меҳнат фаолияти мотивлари одам эҳтиёжлари сабабли пайдо бўлади ва ривожланади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишлари эса у ёки бу фанни ўзлаштиришга интилиш, билимларни кенгайтириш ҳам маълум мотивлар асосида бўлади. Бу мотивлар эса гендер тенглик ва фарқларда ўз ифодасини топади. Ўғил ва қиз болаларда дифференциал ёндашув кузатилади.

Меҳнат ва ўқув фаолияти мотивларини шаклланиб бориши ва уни ўқувчи шахсининг эҳтиёжларига мос келиши шу фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ўқув фаолияти мотивларини мазмун жиҳатидан такомиллашиб бориши ўқувчини фан асосларини чуқурроқ, мукамалроқ ўзлаштиришига сабаб бўлади. Ўқишга қизиқишни барқарорроқ бўлишига ва ҳатто келгуси

ҳаёт режаларини тузишга, касб танлашга ундайди. Жинсий тафовутлар ва ўхшашликларнинг баъзи бир психологик жихатларига эътибор берилиши кузатилади.

II.Боб бўйича хулосалар

Диссертация ишининг иккинчи бобида Гендер концепциясининг ижтимоий-психологик ва педагогик тахлили келтирилган бўлиб, ушбу концепциянинг мазмун моҳияти, олиб борилган тадқиқот ишларининг ўзига хос муҳим жихатлари,гендер тенглик ва фарқларни ифодаланиш механизмлари, қонуниятлари ва таълим ва тарбия жараёнидаги специфик ҳодисалар тахлили келтирилган.

Ушбу бобда гендер тенглик ва фарқларни инобатга олишга қаратилган тизимли ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Ижтимоий роллар, гендер роллар каби тушунчалар мисолида таълим жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг ўзига хос муносабатлари ва гендер хусусиятларининг шаклланиш қонуниятлари тахлили келтирилган. Ўғил ва қиз болаларнинг ақлий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантиришдаги гендер ёндашув ва таълим олиш жараёнидаги ўзига хосликлар, қиз бола ва ўғил болаларнинг ўқув-билув фаолиятидаги нафақат ўрганиш.илм олиш, малака ва кўникмаларга эга бўлиш балки жинсий идентификацион жараёнда ўз шахсий сифатларини шакллантириш жараёни ҳам таҳлил қилинган.

Гендер фарқлар ҳамда ўхшашликларнинг таълим жараёнида инобатга олинishiда ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи педагогик ва психологик механизмлар ва жинсга мансубликнинг иерархик тузилмаси тахлили келтирилган.

III. БОБ. Таълим жараёнида гендер масалаларини ҳисобга олишнинг мазмуни, шакли ва методлари.

3.1.§. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолияти гендер масалалари

Касб-хунар коллежи ўқувчилари деганда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян қоида ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Касб-хунар коллежидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ўқувчининг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан улар хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлишидан қатъи назар мулоқотга киришиши учун муҳим имконият яратади. Касб-хунар коллежи ўқувчисининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръат билан рўёбга чиқишидир. Маълумки, ижтимоий етуклик камолот шахсдан зарур ақлий қобилиятни ҳамда ижтимоий турмушда бажариладиган турли ролларни эгаллашга, фойдали меҳнатда қатнашишга масъул вазифада ишлашга тайёрланишни талаб қилади. Мазкур

жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари ўрта маълумотлилик, жамоатчилик топшириғи, меҳнатда фаоллик кўрсатиш, қонунлар олдида жавобгарлик, мутахассис бўлиш имконияти, унга интилиш туйғуси, иродавий зўр бериш, фаол ўқувчи бўлиш бурчи, фуқоро вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни ташкил эта олиш, тўғаракда қатнашиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Касб-хунар коллежи ўқувчисининг илк даври илк ўспиринликнинг биринчи босқичидан иборат бўлиб, 17-18 ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қарши-ликлари билан характерланади. Шу боисдан илк ўспиринлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашидан бошланади. Мазкур паллада илк ўспиринлик ўзига хос руҳий инқироз ёки тангликни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошланди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Педагогик психология фанида маълумки, ўрта мактаб ўқувчиларни ҳар биологик, физиологик, педагогик, психологик жиҳатдан узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи ўрта махсус таълимига тайёрлайди ва уларда умумлаштириш, мавҳумлаштириш, системалаштириш каби қобилиятларда кўринадиган фазилатлар намоён бўлади. Шу билан бирга илк ўспиринда ақлий, ахлоқий, эстетик ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан муайян даражада ўсиш рўй беради. Шунга қарамай, уларнинг гендер тенглик ва фарқлари юзасидан касбий йўналганлиги сабабли ўзига хос янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳозирги фан-техниканинг ривожини бир томондан ахборотларни, маълумотларни кўпайтирса, иккинчи томондан касб-хунар коллежи ўқувчиларида кичик мутахассис сифатида шаклланишига имкониятлар яратилади. Янги қизиқишлар ва ўзига хос қатъийлик, ижодий

изланиш, иродавий зўр бериш, янги фаолиятларга мослашиш касбий сифат, фазилат, хусусиятларни эгаллашга қаратилган жараён юзага келади.

Касб-хунар коллежларида мустақил ўз фаолиятини ўзи ташкил қилиш, ўзини ўзи бошқариш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларни ўргатилади. Бу вазифаларни амалга оширишнинг асосий омили эса ўқувчи томонидан ҳам кичик мутахассисликни эгаллаш ва назарий билимларни олишни давом қилдириш каби жараёнлар амалга оширилади.

Психологлардан Б. Г. Ананьев, Н. В. Кузьмина, Н. Ф. Тализина, В. Я. Ляудис, И. С. Кон, В. Т. Лисовский, А. А. Бодалев, А. В. Петровский, М. Г. Давлетшин, И. И. Ильясов, А. В. Дмитриева, З. Ф. Есарева, А. А. Вербицкий, В. А. Токарева ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, касб-хунар коллежида таълим олиш ўқувчилар учун ўзига хос тарзда кечади, чунки гендер масалалари ҳам касбий йўналганлик ва касбга бўлган муносабатлари ва ўзи танлаган касби-корининг ўзига хослигини мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари такомиллашиш босқичида бўлади. Алохида эътибор қаратилиши лозим бўлган гендар масалалари мазкур ёш давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Касб-хунар коллежи ўқувчисида камсбий-ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суут амалга ошсада, лекин хулқининг энг муҳим сифатлари - мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек, уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қоидаларга қизиқиш, уларни амалга оширишга интилиш тобора кучаяди.

Психологларимизнинг тадқиқотлари шахс ҳаёт тажрибасини эгаллашда унда ўзлигини англаш вужудга келишини кўрсатади. Шахсни ҳаётнинг мазмунини анг-лаш, аниқ турмуш режаларини тузиши, келажак ҳаёт йўлини белгилаш шулар жумласидандир. Касб-хунар коллежи ўқувчиси аста-секин микро гуруҳнинг нотаниш шароитларига кўникиб боради, ўзининг ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятларини била бошлайди, шахслараро муносабатнинг янгича кўринишини ўрнатади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда

шахсан синаб кўришга интилади. Улардаги яъни ўгил ва қиз болалардаги ўзига хос жинсий тафовутлар, иенгликлар ва ўхшашликлар романтик ҳис-туйғулар воқеликка муайян ёндашишга бир-мунча ҳалақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятларнинг ижтимоий-психологик илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар. Айнан ушбу жиҳатлари билан уларга гендер масалалар бўйича ўзига хос тарзда муносабатларни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Ёш физиологияси ва психологияси фанларида тўпланган материаллар таҳлилидан кўринадики, касб-хунар коллежи ўқувчиси 17-19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш қобилиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг асосланмагани, узоқни кўра олмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳоллар рўй беради. В.Т.Лисовскийнинг фикрича, 17-18 ёшларда айрим салбий хатти-ҳаракатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ва интилишнинг ривожланиши ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки касб-хунар коллежи ўқувчиси шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қатъийликни аралаштириб юборади.

Касб-хунар коллежи ўқувчилари учун талабалик йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзини ўзи камолотга етказиш жараёни муҳим роль ўйнайди, лекин ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Идеал юксак, барқарор, баркамол «мен»ни реал аниқ воқеа «мен» билан таҳқослаш орқали ўзини-ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари амалий ифодага эга бўлади ҳамда жинсий идентификация жараёни амалга ошади. Коллеж ўқувчисининг нуқтаи назарича, идеал «мен» ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, шунинг учун улар гоҳо тасодикий, ғайритабiiй ҳис этилиши муқаррар, бинобарин, реал «Мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир, ўгил ва қиз

болаларнинг шахсининг такомиллашувида бундай объектив қарама-қаршилиқлар ўз шахсиятига нисбатан ички ишончсизликни, ўқишга нисбата коллеж ўқувчиларида кўтаринки кайфият, ўзи истаган касбига хос кичик мутахассисликни эгаллашга мослаштирилган коллежга кирганидан завқ-шавқ туйғуси кузатилса, таълимнинг шарт-шароити, мазмуни, моҳияти, кун тартиби, муайян қонун ва қои-далари билан яқиндан танишиш натижасида унинг руҳиятида кескин ўзгаришлар рўй беради.

Касб-хунар коллежига тахсил олишга кирган ўғил ва қиз болаларда гендер ўзига хос бўлган ички ва ташқи воситалар, омиллар таъсири оқибатида унинг руҳий дунёсида ўзгаришлар, руҳий жараёндаги специфик ўзига хослик, ўзгача кайфият, яъни истикболга ўзгача ёндашиш ўғил ва қиз болаларда, иккиланиш, ҳадиксираш каби ҳис-туйғулар намоён бўлиши ҳам кузатилади.

. Бизнингча, касб-хунар коллежларида тарбия ишларини режалаштиришда, таълим жараёнида гендер хусусиятларга эътибор қаратиш ва уларга алоҳида жинсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзига хос муносабатда бўлиш мазкур даврнинг муҳим шароитларидан биридир.

Юқорида айтилганлардан қатъи назар, йигит ва қизларни касб-хунар коллежига қабул қилишда уларда ўз кучлари, қобилиятлари, ақл-заковатлари, ички имконият-лари ва иродаларига қатъий ишонч билдирилади. Ана шу ишонч ўз навбатида тўлақонли ҳаёт ва фаолиятни уюштиришга умид ҳис-туйғусини вужудга келтиради.

Касб-хунар коллежида гендер масалаларини ҳисобга олиш ва уларга ўзига хос тарзда ёндашишда ўқувчиларнинг ҳулқиға, воқеликка баҳо беришда имкониятидан ташқари талаб қўйиш ва қатъийлик хусусиятларида ўғил ва қиз болаларники бир-биридан фарқланади. Шунинг учун коллеж ўқувчилари ҳар доим ҳам принципиал бўла олмайдилар. Баъзан қатъиятлилиқ катталарга салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши кўпинча низоларни келтириб чиқаради.

Б.Г.Ананьев раҳбарлигида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларида маълум бўлишича, касб-хунар коллежида тахсил оловчи ўғил ва қиз болалари камолот топишининг жинсий ва нейродинамик хусусиятлари уларнинг ақлий имкониятларини тўла ишга солиш ва сермахсул ўқув фаолиятини ташкил қилиш учун муҳим имконият, шарт-шароит яратади.

Ю.А.Самариннинг таъкидлашича, ёшларнинг камол топишида ҳар хил ижтимоий-психологик хусусиятли ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Уларнинг моддий жиҳатдан ота-онага, м касб-хунар коллежига муриятига боғлиқлиги иқтисодий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу ҳол ўқувчиларнинг гендер фарқлари ва ўхшашликлари, ўғил бола ва қиз болалардаги ўз хоҳишлари билан мавжуд имкониятнинг номуносиблиги туфайли содир бўлади.

Одатда ўқувчилар тахсил олишнинг II ва III босқичларида касб-хунар коллежи ва мутахассисликни нима учун танлагани ҳақида яна жиддий ўйлайдилар.

Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётни тажриба ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Коллеж ўқувчиси ҳукм ва ҳулоса чиқаргач, ўз хатти-ҳаракатида қатъий туриб уларни ҳимоя қилади, у ҳаётнинг турли соҳалари бўйича ҳар хил даражадаги кўникма ва малакаларга назарий билимлар ижтимоий-психологик тушунчаларини амалий фаолиятга татбиқ этиш имкониятига эга бўлади.

Б.Г.Ананьев раҳбарлигидаги тадқиқотчилар жамоасининг фикрича, 17-18 ёш палласида физиологик имкониятлар юксак даражада ривожланади. Организмнинг ташқи таъсирга жавоби, қон босимининг оптимал даражаси ортади, қон кислород билан тўйинади ва ҳоказо. Инсонда ўқувлиликнинг қулай имконияти вужудга келади. Ўқув инсоннинг ахборотларни қабул қилиш, эслаб қолиш ва хотирада сақлаш қобилиятини билдиради. Кейинчалик инсонда психик функцияларнинг динамикаси, ўқувлилик

имкониятлари сира пасаймайди. Касб-хунар коллежида айнан ушбу жараёнда таълимни ташкил қилишда жинсий ўзига хосликларни касбий йўналганлик билан уйғунлашган ҳолда олиб борилди мақсадга мувофиқ бўлади.

Колеж ўқувчиларининг тахсил олиш даври қуйидаги қонуниятлар билан фарқланади:

- * турли функцияларнинг ривожланиши бир текис ва бир вақтда амалга ошмайди бир босқичда хотира, бошқа бир босқичда тафаккурнинг ўзига хослиги ўғил ва қиз болаларда фарқланади; қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан ривожланиш илгари юради.

- * ёшга қараб турли функциялар. ўзаро боғлиқ мувофиқлашган хусусият кашф эта бошлайди;

- *илк ўспиринликнинг функционал ўсиш даражаси ёш эволюциясининг ҳар хил босқичида етарли даражада юқори бўлади;

- * мазкур функциялар динамикасида ҳеч қандай кескин пасайиш бўлмайди;

- * касбий йўналганлик ва илк етуклик даврида коллеж ўқувчиларида уқувлилиқ камаймайди.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг гендер хусусиятларини аниқлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари

Ҳозирги даврда касб-хунар коллежи ўқувчиларининг гендер хусусиятларини инобатга олиш масаласи,уларнинг жинсий тафовутлари,фарқлари,ўхшашликлари ва тенгликлари масаласини тажриба-синовда тадқиқ қилиш масаласи долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзуси бўйича Хива педагогик касб–хунар коллежи, Урганч тадбиркорлик ва сервис коллежиларида ўғил ва қиз болаларнинг касбий йўналагнлиги ҳамда жинсий тафовутларини аниқлаш мақсадида бир қатор

методикалардан фойдаланилди ва уларнинг тахсил олишида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг ўзига хос психологик хусусиятлари ўрганилди.

Танлаб олинган гуруҳлар билан ҳамкорликда тажриба-синовни ўтказишдан олдин улар билан қуйидаги амалларни бажардик.

Коллеж ўқувчиларидан 152 нафарини илмий тадқиқот фаолиятида экеперт сифатида иштирок этишини сўраб, бу ишнинг асосий мақсади коллеж ўқувчисининг гендер тенглик ва фарқларини, касбга йўналтиришда шахсининг объектив ижтимоий-психологик хусусиятларин аниқлашдан иборат эканлигини ўқувчиларга етказдик..

Касб-хунар коллежида тахсил олаётган ўғил ва қиз болаларга беш гуруҳдан иборат қуйидаги фазилат, сифат ва ҳислатларига ўз аҳамияти бўйича тегишли тартиб номерлари қўйишини сўрадик.

Ушбу методика психология фанлари доктори, профессор Э.Г.Гозиев томонидан таклиф қилинган ва апробациядан ўтган методлардан биттаси ҳисобланади.

Шахсининг ғоявий-сиёсий сифатлари.

Касбий-ихтисослик фазилатлари.

Ахлоқий-этик ҳислатлари.

Тарбиявий-педагогик сифатлари.

Ташкилий-ишчанлик фазилатлари.

Касб-хунар коллежи ўқувчисига ҳар бир гуруҳга киритилган сифатларни ўзингиз муҳим бўлмаган деб ҳисобласангиз, у ҳолда уни ўчириб ташланг қа ўрнига ёқтирганингизни қўшиб қўйинг деб таклиф киритдик. (1- 5- жадваллар).илова қилинади.

Ҳар бир гуруҳдаги алоҳида фазилатларни аҳамиятлилигига қараб, коллеж ўқувчиларига уни беш балли шқала билан баҳолаш топширилди:

«5» - ўқувчи шахсининг тизимида мутлақо зарур, деб ҳисоблаганда қўйилади;

«4» - ўқувчи шахсининг тизимида бу сифат қатнашиши шарт;

- «3» - мазкур сифат иштирок этса кунгилдагидек иш бўлар эди;
«2» - ушбу сифатнинг мавжудлиги заруриятдан ташқари;
«1» - уни эътиборсиз қолдирса.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларидан олинган сўровнома бўйича кўрсаткичлар (ўгил болалар)

1-жадвал. Шахснинг ғоявий-сиёсий сифатлари

№		Балл
1	Принципиаллик	42
2	Сиёсий саводхонлик	54
3	Ғоявий эътиқод	45
4	Жамоат ишларида фаол қатнашиш	52
5	Уз ижтимоий бурчини англаш	34
6	Тарбия муаммоси муҳимлигини тушуниш	45
7	Ижтимоий-сиёсий фикрлаш кўникмаси	56
8	Ташкилотчилик қобилияти	45

2-жадвал. Касбий-ихтисослик сифатлари

№		Балл
1	Касбига оид иш билан шуғулланиш	65
2	Касбий етуклик	34
3	Ўқишдаги ижодий фаоллик	45
4	Мустақиллик	38
5	Билимдонлик	45
6	Ақлнинг таъқидийлиги	38
7	Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш	39
8	Уз фикрини ифодалай олиш	65
9		

10	Сўз-мантиқ луғат бойлиги	65
-----------	--------------------------	-----------

3-ж а д в а л. Ахлоқий-этник хислатлари

№		Балл
1	Ўзига талабчаилик	56
2	Ўзгаларни ҳурматлаш	65
3	Камтарлик	45
4	Ўзига ишонч	54
5		
6	Ҳалоллик	52
7	Адолатпарварлик	56
8	Самимийлик	45
9	Беғаразлик	56
10	Ички маданиятлилиқ	48
11	Ҳамдардлик	32
12	Виждонлилиқ	56
13	Жамоатчилиқ меҳнатини ортиқча баҳоламаслик	41
14	Юмор ҳисси	32
15	Дилкашлиқ	23
16	Ўзини камол топтиришга интилиш	56
17	Гуманитар билимларга чанқоқлик	59
18	Замонавийлик	85
19	Ўзини тутиш	56
20	Ўзини назорат қилиш	56
21	Ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўймаслик	38
22	Ахлоқ қоидаларига риоя қилиш	65

4-ж а д в а л. Ташкилий ишчанлик сифатлари

№		Балл
----------	--	-------------

1	Ўқишда ва касбий фаолиятда натижаларни қўлга киритиш уқуви	56
2	Бўш вақтни ташкил қилиш уқувчанлиги	54
3	Ўқув ва амалиёт фаолиятини ташкил қила олиш уқуви	52
4	Ендош касб-ҳунарга қизиқиш	50
5	Бош мақсадни ажратиш қобилияти	48
6	Жамоада ижодий ҳолатни сақлаб туриш қобилияти	23
7	Ўз тенгқурларига ғамхўрлик	54
8	Мустақил қарор қабул қилиш қобилияти	52
9	Танқидни қабул қила олиш қобилияти	23
10	Уз хатосини тузата билиш уқуви	38
11	Ёқтирган соҳасига бутунлай берилиб кетиш қобилияти (одати)	68
12	Вақтга иқтисодий муносабати-. Вақтдан тежаб-тергаб фойдаланиш	56

5-ж а д в а л. Тарбиявий педагогик сифатлари

№		Балл
1	Бошқалар билан ўз билим ва тажрибасини ўртоқлашиш	54
2	Орқада қолганларга ўзлаштирмовчиларга кўмаклашиш	45
3	Ҳақиқатни далиллаш ва уни тан олиш уқуви; ҳақиқат олдида тиз чўкиш одати	53
4	Узгаларни ишонтириш қобилияти	45
5	Ҳамкурслари таклифла-ридан яхши жиҳатини топиш ва танлай билиш уқуви	52
6	Рухини кўтариш ва кайфиятини барқа-рорлаштириш	65

	топқирлиги	
--	------------	--

Урганч тадбиркорлик ва сервис коллежи ва Хива педагогик касб-хунар коллежи қиз болалари билан алохида ўтказилган тадқиқотимизнинг натижалари тахлили.

1-жадвал. Шахснинг ғоявий-сиёсий сифатлари

№		Балл
1	Принципиаллик	45
2	Сиёсий саводхонлик	51
3	Ғоявий эътиқод	65
4	Жамоат ишларида фаол қатнашиш	56
5	Уз ижтимоий бурчини англаш	32
6	Тарбия муаммоси муҳимлигини тушуниш	54
7	Ижтимоий-сиёсий фикрлаш кўникмаси	22
8	Ташкилотчилик қобилияти	45

2-жадвал. Касбий-ихтисослик сифатлари

№		Балл
1	Тўғарак иши билан шуғулланиш	45
2	Касбий етуклик	23
3	Ўқишдаги ижодий фаоллик	45
4	Мустақиллик	45
5	Билимдонлик	56
6	Ақлнинг таъқидийлиги	45
7	Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш	53
8	Уз фикрини ифода қилиш	45
9	Илмий-тадқиқот ўтказиш кўникмаси	23
10	Сўз-мантқ луғат бойлиги	45

3-жадвал. Ахлоқий-этник хислатлари

№		Балл
1	Ўзига талабчаилик	56
2	Ўзгаларни ҳурматлаш	56
3	Камтарлик	23
4	Ўзига ишонч	45
5	Иболилик	52
6	Ҳалоллик	54
7	Адолатпарварлик	75
8	Самимийлик	32
9	Беғаразлик	52
10	Ички маданиятлилиқ	56
11	Ҳамдардлик	32
12	Виждонлилиқ	65
13	Жамоатчилиқ меҳнатини ортиқча баҳоламаслик	45
14	Юмор ҳисси	23
15	Дилкашлиқ	23
16	Ўзини камол топтиришга интилиш	49
17	Гуманитар билимларга чанқоқлик	32
18	Замонавийлик	85
19	Ўзини тутиш	40
20	Ўзини назорат қилиш	41
21	Ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўймаслик	31
22	Ахлоқ қоидаларига риоя қилиш	45

4-жадвал. Ташкилий ишчанлик сифатлари

№		Балл
1	Ўқишда ва касбий фаолиятда натижаларни қўлга киритиш уқуви	65

2	Бўш вақтни ташкил қилиш уқувчанлиги	32
3	Ўқув фаолиятини ташкил қила олиш уқуви	65
4	Ендош касб-хунарга қизиқиш	34
5	Бош мақсадни ажратиш қобилияти	45
6	Жамоада ижодий ҳолатни сақлаб туриш қобилияти	32
7	Ўз тенгқурларига ғамхўрлик	62
8	Мустақил қарор қабул қилиш қобилияти	56
9	Танқидни қабул қила олиш қобилияти	12
10	Ўз хатосини тузата билиш уқуви	46
11	Ёқтирган соҳасига бутунлай берилиб кетиш қобилияти	56
12	Вақтга иқтисодий муносабати-. Вақтдан тежаб-тергаб фойдаланиш	45

5-ж а д в а л. Тарбиявий педагогик сифатлари

№		Балл
1	Бошқалар билан ўз билим ва тажрибасини ўртоқлашиш	35
2	Орқада қолганларга ўзлаштирмовчиларга кўмаклашиш	42
3	Ҳақиқатни далиллаш ва уни тан олиш уқуви; ҳақиқат олдида тиз чўкиш одати	35
4	Ўзгаларни ишоптириш қобилияти	45
5	Тенгқурлари таклифла-ридан яхши жиҳатини топиш ва танлай билиш уқуви	35
6	Рухини кўтариш ва кайфиятини барқа-рорлаштириш топқирлиги	45

Касб-хунар коллежида ушбу ижтимоий-психологик сўровномани ўтказишда касб-хунар коллежининг специфик жиҳатлари ва қатнашувчиларнинг хоҳиш

ва истакларига эътибор қаратилди. Гендер масалалар ва уларни таълим олиш жараёнида ҳисобга олишнинг асосий мазмунини ўқувчилар томонидан берилган жавоблар ва уларнинг установакалари орқали ифодаланди.

Таълим жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олишга қаратилган навбатдаги методика коллеж ўқувчиларнинг ўз мутахассислигига, қатнашиши ва ўзлари танлаган касби-корига муносабатини аниқлаш учун хизмат қилади:

Фамилияси, исми, отасининг исми;

Гуруҳ, босқич-

I. Мазкур мутахассисликни танлашингизга нима сабаб бўлди (тегишли жавобнинг тартиб рақамини айлана ичига олинг):

- 1) ҳар қандай фан билан шуғулланиш имконияти.
- 2) мутахассислик бўйича ўз қобилиятимга ишончим.
- 3) ўқитувчининг тавсияси.
- 4) оиламиз анъанаси.
- 5) ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий нуфузи.
- 7) бундан бошқа иложим йўқ эди.
- 8) яна нималар сабаб бўлганини ўзингиз ёзинг.

II. Агар коллежга қайтадан ҳужжат топшириш мумкин бўлса, сиз яна шу мутахассисликни танлайсизми?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

III. Мутахассислик бўйича коллеждаги умумий тайёргарлик жараёни сизни қониқтирадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

IV. Ўзингиз танлаган касб ва унинг истиқболи сизга ёқадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

VIII. Сиз олдинда турган малакавий амалиётга қандай муносабатдасиз:

- 1) уни ўртача қизиқиш билан кутаяпман.
- 2) менингча, практика фойдали бўлади.
- 3) мен ундан чўчимайман.
- 4) у мени ўзим ёқтирган фандан чалғитади.
- 5) педагогик практикадан ҳеч қандай натижа кутаётганим йўқ.

Юқоридаги топшириқни бажаришнинг сифати, маъноси ва тўлиқлигини экспериментчи баҳолайди. Барча саволларга тўлиқ, маъноли жавоб берган ўқувчиларга юқори балл берилади.

Айнан ушбу методикалар орқали коллеж ўқувчиларининг характери, темпераментини, бошқаларга муносабатини, улар билан мулоқот қўламини ва жамоадаги ролини гендер масалалари нуқтаи назаридан тўла маълумот олинади. Бизнингча, уларни амалиётга татбиқ қилиш ҳам ўрта махсус таълимни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таълим жараёнида гендер ўхшашлик ва фарқларни ҳисобга олиш ижтимоий ҳаётда жинслараро муносабатларнинг ўзига хослик ва индивидуаллилик касб этишига ёрдам беради. Улар орасида яқдиллик, бир-бирини тушуниш, ўзаро боғлиқликни пайдо қилади. Гендер фарқлар ва ўхшашликларни ҳисобга олишнинг асосий педагогик имкониятлари толерантлик, ҳар бир жинс вакилининг ўзига хослиги ва фарқини ҳурмат қилиш, ўзаро муносабатларидаги барқарорликни таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир. Шунини таъкидлаш керакки, рухий, моддий, жисмоний, маданий жihatдан тўла ривожланиб бўлмаган коллеж ўқувчиларининг ёшига мос келмайдиган маълумотлар ва эркинлик беришда ўтил ва қиз болалар орасида муносабатларда ноаниқлик, мавҳумлик вужудга келишига замин ҳозирланиши мумкин.

Таълим жараёнида ўғил ва қиз болалар орасидаги педагогик алоқани таъминлаш учун уларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олиш зарур. Таълим жараёнида амалга ошириладиган гендер тамойилларнинг асосини ўғил ва қиз болалар ўртасидаги ўзаро ёрдам ҳамда сабр-тоқат ва ҳар бир жинснинг ”ўзгача” бўлиш ҳуқуқини тан олиш ташкил этади.

Таълим жараёнида қизлар ва ўғил болалар орасида янги маданий мулоқот муҳитини яратиш, ўзаро ҳурмат, меҳнатсеварлик, бир-бирига меҳр ҳиссини қарор топтириш энг асосий олмил ҳисобланади. Гендерни моҳиятан педагогик жиҳатдан англаш-уни таълим жараёнини ривожлантирувчи дидактик ҳодиса сифатида идрок этишдан иборат.

Касб-хунар коллежида ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий психологик жиҳатини ташкил қилиш, ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларини ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди.

Айнан ушбу йўналиш сабабли таълим жараёнида гендер масалаларини ҳисобга олиш ўғил ва қиз болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини шакллантириш, ўзаро ҳурмат ва толерантлик хусусиятларини барқарорлаштириш масалалари муҳим ҳисобланиб касбий муносабатларни шакллантиришда касбий фаолиятни амалга ошириш механизмлари асосий омил эканлиги исботланган. Б.Ф.Ломов фаолиятини таҳлил этишнинг умумий психологияда қабул қилинган схемасини кўриб чиқиб, бу фаолиятни бажарувчи шахснинг бошқа шахслар билан ҳамкорлиги бошқача қурилиши зарурлигини таъкидлаб ўтади. Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектининг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштиради. Лекин бу мавҳумлаштириш нихоятда муҳимлигидан қатъи назар, ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама ёритиш имконини беради.

Касб-хунар коллежида ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилади, ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни уларнинг касбий муносабатлари тизимини тўғри шакллантириш ва гендер

масалаларидаги ўзига хос бўлган хусусиятларнинг намоён бўлиш механизмларига боғлиқлигини кўрсатади.

А.В.Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятдан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларни мулоқотга эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам воситаси эканлигини таъкидлаган эди.

Бу муаммога бошқача ёндашган А.А.Бодалев ўқитувчи билан ўқувчининг муносабати, уларнинг самарали ҳамкорлигини вужудга келтириш учун қулайлик яратишни зарур деб ҳисоблайди. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахс сифатидаги хусусиятларини, мақсад ва эҳтиёжларини ҳисобга олишлари шартдир.

Юқоридаги фикрларга қарамай ўзлаштиришнинг турли босқичларида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг турлича ҳамкорлиги қандай уюштирилиши масаласи ҳал бўлган эмас. Бинобарин, ўқитувчида ҳар иккала жинс вакилининг ҳамкорликни ташкил қилишдаги психологик қонуниятлар, механизмлар ва ўқув фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил қилиш кўникмаларининг ўзига хос жиҳатларини эътироф қилиш лозимдир.

Коллеж ўқувчиларининг касбий муносабатларини тўғри ташкиллаштириш жинсий фарқлар, ўхшашликлар, тафовутларни уларнинг ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолиятида намоён бўлишини В.Я.Ляудис психик фазилатларнинг шаклланишида касбга йўналтирувчи ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг ўзига хос иерархик жараён эканлигини ифодалайди.

Коллеж ўқувчилари томонидан, ўқув фаолиятини шакллантириш фан асосларини ўзлаштиришнинг негизи эмас, балки шахснинг ижтимоий маданий қадриятларини эгаллаш жараёни ҳамда ўқув вазиятини коллеж ўқувчиси шахсининг ривожланишидаги «яқин камолот зонаси» ниғина эмас, балки «Перцептив ри-вожланиш зонаси»ни ҳам яратилиши ва ушбу жараёнда гендер фарқлар ва ўхшашликлар ўзига хос намоён бўлиши кузатилади.

В.Я.Ляудис ўқув вазияти тартибидаги 4 та ўзгарувчи ҳолатни кўрсатади:

- * ташкилий ўқув жараёнининг мазмуни унинг хусусияти, ўқувчи ўзлаштирадиган фаолият дастури, эгалланадиган билиш фаолиятининг турлари;

- * таълим мазмуни ва ўқув фаолияти усулларини ўзлаштириш: бир босқичдан бошқасига ўтиш тартиби;

- * коллеж ўқувчиси билан ўқитувчининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлик системаси;

- * таълимдаги ўзгарувчан омилларнинг ўзаро алоқасини такомиллашуви.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим омили ва коллеж ўқувчиларининг ўзаро муносабати хусусиятини белгиловчи асос ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигининг шаклларидир. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқитувчи ва коллеж ўқувчиси муносабатларининг ва биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларининг алоҳида туридирки, у ўзлаштириш объектини, билиш фаолиятининг барча қисмларини қайта қуришни таъминлайди.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули коллеж ўқувчиларининг мустақил ҳолда илгари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлиқ мақсадлар ва шерикликда шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир. Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларининг системасини тушуниш керак. Бундай ҳатти-ҳаракатлар ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган ёрдамидан бошланади; ўқувчиларнинг фаоллиги аста-секин ўсиб бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқарадиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади: ўқитувчи билан коллеж ўқувчиси ўртасидаги муносабат эа шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади.

Таълим жараёнида гендер масалаларни ҳисобга олиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини коллеж ўқувчиларига етказишнинг ва ҳамкорликнинг саккизта шакли мавжуд, улар қуйидагилардан иборатдир:

- * фаолиятга кириш;
- * мустақил ҳаракатлар ўқитувчи билан коллеж ўқувчиси ҳамкорликда бажарадилар;
- * ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга коллеж ўқувчисинини жалб этади;
- * тақлид ҳаракатлари ўқитувчидан ибрат олган ўқувчи ана шу намуна асосида ҳаракат қилади;
- * мадад ҳаракатлари ўқитувчи коллеж ўқувчисига оралиқ мақсадни ва унга эришиш усуллари танилашда ёрдам беради ҳамда охириги натижани назорат қилади;
- * ўзини-ўзи бошқариш ҳаракатлари ўқитувчи умумий мақсадни кўрсатишда ва охириги натижани баҳолашда иштирок этади;
- * ўзини-ўзи қўзғатувчи ҳаракатлар;
- * ўзини уюштирувчи ҳаракатлар.

Айнан ушбу жараёнда фақат қизларга ёки фақат ўғил болаларга хос бўлган жинсий идентификацион характеристикалар ва уларнинг намоён бўлиш механизмлари ва тенглик, фарқлар, ўхшашликлар орасидаги тафовутларнинг намоён бўлиши кейинги босқичларда амалга ошириладиган фаолиятнинг асосини ташкил қилади.

Ҳамкорликдаги фаолият усуллари биргаликдаги хатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлиб, унга мулоқот давлари сингари мазкур фаолиятнинг оддий бирлик-лари деб қараш мумкин. Биргаликдаги ҳаракат даври қўйиладиган ушбу алмашувни ўз ичига олади: ўқитувчи ҳаракат бошлайди, коллеж ўқувчиси уни давом эттиради ёки тугаллайди. Касбий йўналиш берувчи ўқитувчи ҳамкорликнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб гендер фарқларни тизимлаштиришга эътибор қаратади.

Касб-хунар коллежларида ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусиятларини ўрганиш ва тажрибаларда синаб кўришнинг асосий мақсади кичик мутахассисларнинг билимларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларининг сабабларини ва жинсий тафовутларнинг манбаларини тадқиқ этиш ҳамда таълим жараёнида ёки ҳамкорликдаги фаолият билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлашдан иборатдир.

Таълим тизимида гендер масалаларни ҳисобга олишнинг асосий масалаларидан биттаси В.Я.Ляудис ва тадқиқотчиларнинг фикрича касб-хунар коллежи ўқитувчиси билан ўқувчисининг ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолияти натижасида юзага келадиган гендер тенглик масалалари ҳисобланади.

Жинсий тафовутларни аниқлашда ҳамкорлик фаолияти учта ўзаро боғлиқ фазадан иборат эканлиги кўрсатилган, жумладан биринчи фаза — «фаолиятни эгаллаш» деб номланган бўлиб, у ўз ичига ушбу ҳамкорлик шакллари қамраб олгандир:

- ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги биргаликда амалга ошадиган ҳаракатларни туркумларга ажратувчи тизим;
- коллеж ўқувчиларининг ўқитувчи фаолиятига тақлид қилишга асосланган ҳаракатлари йиғиндиси;
- коллеж ўқувчилари томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳаракатлар мажмуаси;
- ҳамкорлик фаолиятининг иккинчи фазаси - ўқувчиларнинг ўқитувчи фаолиятига мувофиқлаштирилган ҳамкорлик ҳаракатлари мажмуаси;
- коллеж ўқувчисининг ўз-ўзини бошқарувчи ҳаракатлари тизими;

- Ўғил ва қиз болаларнинг ўз-ўзини қўзғатувчи хатти-ҳаракатлари яъни ҳаракатга ундовчи омиллар ва бошқалар. Ҳамкорлик фаолиятининг учинчи фазаси - ҳамкорлик фаолиятидан янги бир тараққиёт босқичига кўтарилиш, такомиллашишда, шунингдек, ўқитувчи билан коллеж ўқувчиси ҳамкорлиги шериклик даражасига ўсиб ўтишда ўз ифодасини топади.

Ушбу фаза таълим жараёнида гендер тенглик масалаларини инобатга олиш ва жинсий ўзига хосликлар асосида таълим жараёнини ташкил қилиш ва бир тизимга келтиришни талаб қилувчи жараён эканлиги шерикликнинг амалга оширишдаги идентификацион жихатларини намоён қилишга имкониятлар яратилишига боғлиқ эканлиги асосланади.

Таълим жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг гендер ўзига хосликларини ҳисобга олишда ўғил бола ва қиз болаларнинг жинсий тафовутланиши учта фазада яъни қуйидаги ҳаракатлар тариқасида кўринишга эга бўлиши мумкин:

- * тенг ҳуқуқлилиқ асосига қурилган умумий ҳамкорликдаги ўқитувчи билан ўқувчининг фаолиятга мадад берувчи ўзаро таъсир ўтказиш негизида ижодий изланишлар намоён этиладиган ҳаракатлар;
- * маънавий ҳаракатлар яъни ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлик заминига қурилган ҳаракатлари муайян маъно, моҳият, интеллектуал ҳаракат, англашилган туртки, мақсадга йўналтирилган восита, ўзаро моҳиятни ойдинлаштирувчи муносабат кабилар;
- * интерактив ҳаракатлар яъни ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси;
- * предметли рефлексив ҳаракатлар, яъни биринчидан, ҳар қандай ҳамкорлик ўғил ва қиз болаларда ўзига хос муайян нарсага қаратилган содда ва лўнда интеллектуал ҳаракатлардан тузилиши; иккинчидан, аниқ муаммолар ёки ўқув предметлари моҳияти боғлиқ ҳаракатлар занжирига йўналган бўлиши

мумкин, лекин ҳар бир интеллектуал ҳаракат англашилган, ўз-ўзини бошқаришга бўйсундирилганлиги билан ажралиб туриши лозим;

* интерактив ҳаракатлар ўзаро таъсир асосига қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир, туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорликда коллеж ўқувчиларидан қиз ва ўғил болаларнинг субъектларини ижодий изланишга йўналтириш номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланиши мумкин;

* маънавий рефлексив ҳаракатлар яъни рефлексив тушунчаси англаганлик даражасини билдирган маънода қўлланилади, шунинг учун бу ўринда мантикий изчилликдаги ҳаракатлар, ақлни пешлаш машқлари тарзида иштирок этиб, муайян ақлий юкламани ўзида акс эттириши лозим, бу ерда ҳаракатлар ортиқча оператив белгилардан халос бўлиши шарт. Шу ни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги жараёнларни жинсий фарқлар ва ўхшашликлар, тафовутларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида амалга оширилса катта самарага эриши эҳтимоли юқори бўлади.

Ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш ва уни қайта қуриш жараёни бир қатор қонуният тарзидаги ва ўзига хос психологик хусусиятлар тариқасидаги ҳолатлар, механизмлар, алоқалар шаклида намоён бўлиши мумкин. Жумладан, ўқитувчининг ҳамкорлик фаолиятини юксак даражада бошқариш пайтида коллеж ўқувчиларининг гендер тенглик ва фарқлари инобатга олиш, амалий кўникмаларни ўзлаштириш бирмунча енгил кўчади. Шунингдек, гендер тенглик, фарқлар ва ўхшашликлар ўқув фаолиятининг операционал предметли жабҳасини уюштириш, идора қилиш, уни қайта қуриш жараёнида намоён бўлиши мумкин: Бу эса ўғил ва қиз болаларнинг кичик мутахассис сифатида шаклланишида бир қанча дифференциал ёндашувга асосланган ҳолатларни амалга оширишни талаб қилади. Улар қуйидагилардан иборатдир

- операционал ижроий ҳаракатлар ўғил бола ва қизларда ўзига хос;

- ориентир кидирув ҳаракатлари қизларда ўгил болаларга нисбатан юқориқ;

- билишга оид ориентир ҳаракатлар, ҳаракатнинг назорат коррекцион тизими кабилар муайян давргача коллеж ўқувчиларини ҳамкорлик фаолиятининг маънавий, ташкилий жараёнига тааллуқли ҳамкорликнинг таркибий қисмларини бошқариш функциясини бажариб туради. Бу борада ҳаракатнинг ижтимоий-ташкилий, мотивацион-маъновий, предметли ташкилий қисмлари фаол иштирок қилади ҳамда ҳамкорлик фаолиятини маҳсулдор бўлишга таъсир ўтказади. Иккинчидан, ўқитувчининг ўқувчиларга тавсия қилинган мўлжалланган, гоҳо синаб кўрилган ҳамкорлик ўқув фаолияти шаклларида аста-секин ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ўз-ўзини бошқаришга, яъни рефлексив фаолият даражасига ўсиб ўтиш жараёни юзага келади.

Ҳамкорлик фаолият натижасида унинг иштирокчилари, субъектлари шахсий позициясини илгари суришда, ҳамкорлик қатнашчиси тариқасида ўз ўрнини топиш учун интилнишда динамик ҳолат кўзга ташланиш мумкин. Қатнашувчилар ҳамкорлик фаолиятини шунчаки диалогик иштирокчиси ролидан унинг тенг ҳуқуқли, реал позицияга эга бўлган муомала, муносабат, фаолият субъектига айланади. Ҳамкорлик фаолиятида ўқувчи билан ўқитувчининг ўзаро таъсирини интерактивлик баҳолашнинг дивергентлик негизидан конвергентлик позициясига ўтиши кузатилади. Ҳамкорлик фаолиятини такомил босқичига ўтиш жараёнида ўзаро ўтказиш ҳаракатини баҳолашдан ўз-ўзини баҳолаш даражасига кўтарилиши содир бўлади. Ушбу жараён ҳамкорлик динамикасидан далолат берадиган энг муҳим омиллардан бири вазифасини ўтайди. Бироқ баъзан ўгил ва қиз болаларни гендер тенглик асосида ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳам ўзига хос ва ўта мураккаб масалалари мавжудки, айнан шу масалалар боис уларнинг дифференциацияси юзага келади.

Хива педагогик касб-хунар коллежи ва Урганч тадбиркорлик ва сервис коллежи ўқувчиларининг ўқитувчилар билан ҳамкорлиги негизида ҳам,

Ўқитувчи билан ўқувчилар, коллеж ўқувчиларининг ўзаро бошқаруви босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, иштирокчиларни идора қилиш имкониятлари, уларни бошқариш улуши турлича эканлигини тасдиқланади. Гендер масалаларининг яъна битта ўзига хос томонларидан ўқитувчи ва ўқувчининг мулоқотга киришиш жараёни ва даражаси, маънавий ёки ҳаракатларни ўзаро алмашиш кўрсаткичи; интерактив ҳаракатлар алмашиш даражаси; маънавий ҳаракат маъносини диалогик тарзда алмашиш босқичи; интраситуатив интеграцияси, ёинки бошқача сўз билан айтганда, фаолият вазиятнинг яхлитлиги эътиборга олинган ҳамкорлик фаолияти ҳаракатлари ва бошқалар.

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тажриба-синов натижалари Люшер, Спилбергер-Ханин шкалалари, Фидлер методикаси, В. Я. Ляудис ва бошқаларнинг диагностик методикаларига асосланиб олинган натижалар гуруҳларни тузиш, улар ўртасида ҳамкорлик жорий қилишда ўқувчиларда безовталаниш, ўз-ўзини бошқариш, гуруҳдаги психологик муҳит ва шахслараро муносабат хусусиятлари, хоссалари, негизлари механизмлари, ҳамкорлик субъектларига таъсир ўтказувчи объектив ва субъектив омилларни очиб беришга хизмат қилади. Айнан гендер тенглик, тафовут, ўхшашлик ва фарқлар масаласи ҳам ушбу жараённинг муҳим жихатларини очиб беришга ва уларни амалиётга татбиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ифодалайди.

Ўрта махсус таълими самарадорлигини оширишда, ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишда касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ақлий имкониятлари, заҳиралари, умумий савияси, билимларни ўзлаштириш даражаси, ўқишга муносабати, ўз-ўзини бошқариш даражасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўғил бола ва қиз болалардаги учрайдиган ижтимоий-психологик, билишга оид касбий қийинчиликларнинг олдини олиш учун таъкидлаб ўтилган мезонларни аниқлаш кўзлаган мақсадни амалга ошириш сари етаклайди. Чунки ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунчалик

юқори, ўз-ўзини бошқариш эса пухта эгалланган бўлади. Узаро таъсир ўтказиш доираси қанчалик кенг бўлса, у ҳолда муаммоларни ҳал қилиш жараёни шунчалик теъ амалга оширилади. Таълим жараёнида гендер масалаларини ҳозирги давр талаби асосида ташкил қилишга ва иерархик тарзда амалга оширишга эришилади.

Касб-хунар коллежи ўқув фаолияти муваффақиятининг муҳим шарти ўрта махсус таълим жараёнининг ўзига ҳос хусусиятларини ўрганиш дискомфорт туйғусини бартараф қилиш, микро муҳитда юз берадиган зиддиятларнинг олдини олишдан иборатдир;

Гендер тенглик ва фарқларни инобатга олиш эса айнан шу жараённинг самарадорлигини янада оширади. Гендер хусусиятларни ўрганиш мақсадида Урганч шаҳар тадбиркорлик ва сервис коллежи 2-3 босқич ўқувчилари иштирокида тажриба-синов ташкил қилинди.

Одатда қуйи курслардаги ўқувчилар ўқув фаолиятини мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга ҳаракат қиладилар, лекин уни бошқариш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Кўпинча улар ўқув фаолиятини бошқариш деганда, ўқув материаллари ўзлаштирилишининг режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш кабиларни тушунадилар. Касблар тўғрисидаги фикрлари ва тасаввурларини тўлиқ ифодалай олиш қобилиятини намоён қилишга бирмунча қийналадилар. Коллеж ўқувчиларининг анкета саволларига берган жавоблардан маълум бўлишича, уларда ўқув фаолияти тизимини тасаввур этишдан ташқари, уни бошқаришнинг айрим имкониятларн юзасидан муайян билимлар ҳам мавжуд экан.

* Маърузани эшитиб ёзиб бордим, лекин ўзлаштирилаётган материал моҳиятини бир даврнинг ўзида тўла тушуниб етмадим: ўгил болалар-65%, қиз болалар-75%

*ўрта махсус таълимининг мазмуни ва шакли ўрта мактабникидан нимаси биландир фарқланади:

-ўгил болалар - 85 % касбга йуналтирилади

-қиз болалар - 65% касбий муносабатларни шакллантирилади

* Касб-хунар коллежининг, шарт ва шароитига кўникиш жуда чўзилиб кетганга ўхшайди:

-ўғил болалар - 52 %

-қиз болалар - 64%

*Касблар тўғрисидаги илмий тушунчалар, атамалар ва таърифлардан фойдаланишда қийинчиликларни ҳис қиламан;

-ўғил болалар - 45%

-қиз болалар - 32%

*Ўрта умум таълимидаги билимлар орасидаги узилиш ҳозиргача ўз таъсирини ўтказмоқда:

-ўғил болалар - 75%

-қиз болалар - 64%

* Кўпинча танлаган кабимга алоқадор мавзуларни ва амалий машғулотларининг моҳиятини тушуна олмайман:

-ўғил болалар - 321%

-қиз болалар - 12%

* Назарий билимлар билан амалиёт ўртасида бирмунча номуносивбликлар мавжуд:

-ўғил болалар - 41%

-қиз болалар - 31%.

* танлаган касбим бўйича мустақил фаолиятни режалаштиришнинг оқилона усуллари танлашда қийналаман:

-ўғил болалар - 43 %

-қиз болалар - 31%

Тажрибада иштирок қилган 130 нафар синалувчиларнинг 15 фоизи шахсий фаолиятни бошқариш деганда ўзлаштирилаётган ўқув материалларини кўп марта такрорлаш жараёнини тушунадилар, унинг бош мақсади матннинг моҳиятини аниқ англашдан иборат деб биладилар. Масалан, «Материалларни ўзлаштириш учун уларни ўқийман, такрорлайман, лекин ҳеч қачон уни ўзлаштириш мақсадида оқилона йўл, усул ёки воситаларни

кидириб ўтирмайман...». Коллеж ўқувчисининг бу мулоҳазаси ана шу тоифадаги барча тенгдошларига ҳам хосдир.

Айрим коллеж ўқувчилари ўз жавобларида бирор хусусиятга эга бўлган материалларни ўзлаштиришнинг усуллари ҳам ёзганлар. 2-босқич ўқувчилари жавобларидан бири шундай: «Мен аввал ўқув материалларини қисмларга ажратаман, сўнг улар ўртасида мантикий уйғунликни вужудга келтираман, муҳим ва бирламчи аломатларни топишга ҳаракат қиламан. Мазкур материални олдингиси билан солиштираман, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлайман...». Худди шунга ўхшаш жавоблар коллеж ўқувларининг тўртдан бир қисмидан олинди. Уларнинг 85 фоизи ўқув фаолиятини бошқаришнинг айрим таркибий қисмларини ифодалай олганлар. Аммо уларнинг кўпчилиги ўқув фаолиятини ва амалиёт жараёнини бошқаришнинг айрим умумлашган усуллари таърифлаш, англаш, фаолиятнинг ҳаракатларини қандай тартибда амалга оширишни тасаввур қилишдан анча йироқдирлар. Шунга қарамай, коллеж ўқувчиларида таққослаш, режа тузиш, маъруза тинглаш ва бирламчи манбаларни конспектлаштириш бўйича маълум тушунчалар мавжуд. Бироқ, бу борада ҳам айрим нуқсонлар учраб туради. Чунончи коллеж ўқувчилари режалаштириш, конспектлаштириш, таълимий усуллардан фойдаланишга кўйиладиган умумий талабларни аниқ кўрсатишда қийинчиликларга учрайдилар, муаммо доирасидан четлашадилар ва ҳоказо.

Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олишда ушбу қийинчиликларни моҳияти ва шаклига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Билишдаги қийинчиликлар: ўрта мактаб ва махсус таълим юртидаги ўқув материаллари мазмуни ва кўлами жиҳатидан кескин фарқланиши; ўрта махсус ўқув юртида ўқитишнинг турли шакл ва усуллари (лекциялар, семинар машғулот, коллоквиум, синов, баҳс, амалий машғулот, махсус практикум, махсус семинар, махсус курс ва ҳоказолар) мавжудлиги, ўқув матни, лекция ва семинар материалларининг мураккаблиги, ўзлари танлаган касби-кори бўйича ўқув машғулотларидларидаги муаммолар, коллеж

ўқувчиларида мустақил билим олиш малакалари етишмаслиги, уларнинг мураккаб касбий таълимга ва тарбияга тўла тайёр эмаслиги.

2.Ижтимоий-психологик қийинчиликлар: атроф-муҳит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятнинг барча жабҳаларида мустақилликка ўтилиши; иро-давий зўр бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича қатъиятсизлик; масалан, ўзи тасаввур қилган ва хоҳлаган касбининг осон эмаслиги ва ушбу жараёндаги қийинчиликлар, ўқишдан ҳайдалишдан чўчиш, кўрқиш, хавфсирашнинг пайдо бўлиши.

3.Касбий қийинчиликлар: ўрта махсус таълим юрти мутахассислигини танлашдан иккиланиш; касб-хунар коллежининг шарт-шароитларига мослашиш жараёнида нотўғри тасаввур қилиш; таълим олиш усуллари ва воситаларини: кўникма, малака ва одатларини эгаллашдан орқада қолиш, турли хусусиятга эга бўлган мутахассислик - ихтисослик амалиётидан унумли фойдалана олмаслик; назарий; методологик билимлар билан амалиёт ўртасида уйғунликнинг йўқлиги; ўқувчиларнинг профессиограммадан хабарсизлиги ёки профессиограмма талабларига жавоб берадиган касбий фазилатларга эга эмаслиги ва бошқалар.

Мана шу қийинчиликларнинг барчаси касб-хунар коллежи муҳитига мослашиш билан боғлиқдир. Тажрибадан маълумки, касб-хунар коллежи муҳитига мослашишдан ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал, типологик ва ёш хусусиятлари, уларнинг механизмлари, қонуниятлари, ақлий имкониятлари ва заҳиралари, фаросати, андишаси, умумий қобилияти, истеъдоди, иқтидори, салоҳияти, ақл.-заковати, ахлоқий фазилатлари, сифати, хислатлари этник аломатлари маълум даражада роль ўйнайди.

Бундан ташқари, инсоннинг эркин фикрлаши, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришларнинг юз бериши, ўқувчи шахсини шакллантириш билан чекланмай, балки унинг субъект (ҳар бир жараённинг фаоли) тариқасида камолотга эришишга зарур шарт-шароитларни яратиш, шахслараро, миллатлараро муомала қила олиш маҳоратини эгаллаш каби

муҳим жараёнлар билимларни ўзлаштиришдаги, ижтимоий-психологик ва касбий қийинчиликларнинг мумкин қадар камайиши учун хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бугунги кунда гендер тараққиёт ва уни амалиётга татбиқ қилишда ижтимоий педагогика, ижтимоий психология фанида ҳукм суриб келаётган шахсга оид индивид, шахс, индивидуаллик тушунчалари ва уларнинг талқини миллий ўзига хослик ва жинсий тенглик ва фарқлар нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишни, шахс билан субъект (қатъий позицияга, маслакка, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятига эга) орасида катта фарқ мавжудлигини уқтириш билан бирга, ҳар қандай шахс субъект бўла олмаслиги ёки аксинча, ҳар бир субъект бир даврнинг ўзида шахс эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

3.2.8. Касбий йўналганликни шакллантиришда гендер хусусиятлари

Гендер фарқлар ватенглик асосида ташкил қилинган таълим жараёни жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшиб, ўқувчи шахсининг маданий, ижтимоий-педагогик ва психологик жихатдан барқарор ривожланиши учун зарур таркибий қисм сифатида майдонга чиқади.

Мазкур мақсадни амалга ошириш жараёнида мавжуд ўқув дастурларини янги педагогик технологиялар ва замонавий усулларни қўллаган ҳолда такомиллаштириш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Такомиллаштирилган ўқув дастурларида ўғил ва қиз болалар тенглиги, қолаверса, барча фанлар бўйича ўқув материалларини гендер тенглик ва фарқларасосида белгилаб берилиши муҳим ҳисобланади. Бундай таълим жараёни янги ўқув воситалари-методик материаллар ва дидактик ишланмалар яратишни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, истиқболда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорат қилиш нафақат ўзлаштириш, балки ўғил бола ва қиз болаларнинг ҳар бирига хос бўлган тушуниш, билимларни амалий қўлалаш ва ижодкорлик кўникмаларини аниқлаш асосида ҳам амалга оширилиши

керак. Бу холат коллеж ўқувчиларининг билим даражасига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, янги сифатга эга бўлган ақл-заковат эгаси, ўзига хос шахсни шакллантириш, унинг онгини ўстириш, шунингдек уни дунёнинг ижтимоий, информацион, технологик ва иқтисодий ўзгаришларига мослаштиришга катта ёрдам беради.

Биз биламизки, оилада фарзандларни тарбиялашда жинсий фарқлар мавжуд бўлиб унинг ҳам ўзига хос психологик ва педагогик хусусиятлари мавжуд. Ўғил ва қиз болалар мактабга келиш давридан бошлаб жинсларнинг психологик фарқларини ўзларида намоён қилишга ҳаракат қиладилар.

Гендер ўхшашлик ва фарқлар ўғил ва қиз болалар орасидаги ақлий-интеллектуал, маданий, маънавий, ижтимоий ўхшашликни ифодалайди. Ўғил бола ва қиз болалар орасидаги ўхшашлик уларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида вужудга келадиган умумий хусусиятларнинг педагогик – психологик интероризациясига хизмат қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гендер жинсга эмас, балки таълим-тарбия, ижтимоий муҳит ёрдамида вужудга келадиган ўхшашаликларга боғлиқ.

Гендер фарқларда биологик ўзига хослик ижтимоий-педагогик моҳият касб этади. Бу эса ўз навбатида, ўқувчиларни ижтимоий-педагогик таснифлаш воситаси бўлиб, хизмат қилади.

Педагогика фанида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олиш тамойили устувор бўлиши лозим. Бу устиворликни эса таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

*ўқув материалларини танлашда ўғил ва қиз болалар орасидаги ўзига хосликни фарқлаш,

*ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида ўзига хос фаолиятини ривожлантириш,

*муайян жинсга мос келадиган ўқув фаолиятини ташкил қилиш,

*хар бир жинснинг ўзига хос фаолият турини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини танлаш,

*таълим жараёнида қатъий, дидактик жихатдан шаклланган гендер интерпретацияларни қўллашга йўналтирилган педагогик фаолиятни шакллантириш.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларига меҳнат таълимини бериш ва уларни касбга йўналтиришнинг барқарор педагогик тизимини вужудга келтиришда ўқувчиларнинг гендер жихатдан ўзига хос бўлган шахсий сифатларини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса таълим жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

*ўғил ва қиз болалар орасидаги фарқларни нейтраллаштириш ва интерпретациялашга қаратилган ўқув ҳаракатларини ташкил этиш,

*уларни гендер ўхшашаликни намоён қилиш руҳида тарбиялаш,

*ўқув жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишини таъминлаш.

*ўғил ва қиз болаларнинг шахсий қизиқишларига мувофиқ келадиган ўқув фаолиятининг турларини ташкил этиш,

*аниқ ўқув вазиятини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш.

Касб-хунар коллежида қийинчиликнинг асосий сабаблари ўқувчилар ўқув фаолиятнинг тўғри усулларини билмаслиги, ақлий меҳнатда куч ва имкониятларни бир текис тақсимлай олмаслигидан иборат бўлиб, булар ақлий зўриқишнинг негизи ҳисобланади. Коллеж ўқувчиларида вужудга келган ақлий зўриқиш тасодифий психологик ҳодиса эмас, унинг замирида шахсий ўқув фаолиятини оқилона бошқариш уқувининг заифлиги ётади.

Шунга кўра касб-хунар коллежи ўқувчилари кўпинча ўқув материалларини ўзлаштиришда бу фаолиятни тасодифий бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бунда муайян материаллар мантиқий ҳаракат билан эслаб қолинса, қолганлари мутлақо диққатдан узоқлаштирилади. Натижада улар маърузанинг бир қисмини тинглайдилар, унинг моҳиятини базўр англайдилар, уни конспектлаштиришга улгурмайдилар. Уқув йили мобайнида ана шу ҳолнинг давом этиши ўқувчи учун қаттиқ синовга

айлантиради. Шунга кўра касб-хунар коллежининг асосий вазифаларидан бири ўқувчини ўқув материалларининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишдан, уни ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир. Маълумки, касб-хунар коллежида мустақиллик ва мустақил ўқув фаолиятини уюштириш талаб қилинади.

Кичик мутахассис сифатида шаклланиш.ўқувчининг мақсадга мувофиқ, мунтазам, режали, изчил ўқув фаолиятини таълимнинг барча босқичларида амалга оширишини тақозо этади.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти аудитория ва аудиториядан ташқари қисмларга ажратилади. Шу билан бирга ўқувчилар олдида ўқув фаолиятининг таркибий қисмлари билан боғлиқ муайян қоидаларга риоя қилиб ҳал этиладиган масалалар кўрилади:

- * Қандай йўл билан аудиторияда тўғри ўқиш ва ўқитиш мумкин?
 - * Қай йўсинда аудиториядан ташқари вақтларда мустақил фаолиятнинг умумлашган усулларидан фойдаланса бўлади?
 - * Маърузада ўқувчининг ақлий фаолияти учун оптимал шарт-шароитлар қандай яратилади?
 - * Амалий ва семинар машғулотларига тайёргарлик даражасини қандай аниқлаш ва ифодалаш мумкин?
 - * коллеж ўқувчисининг касбий малака ва кўникмалари, билим савиясиларини ва тайёрганлигинини аниқлаш имконияти борми ва ҳоказо.
- Касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ахборот берувчи, йўналтирувчи, рағбатлантирувчи, методик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи машғулотлар деб аталади. Ана шу машғулотларнинг сифатини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади.

1. Машғулотнинг мазмуни, ғоявий-сиёсий йўналиши, илмийлиги, оммабоплиги, назария билан амалиётнинг бирлиги, эмпирик материаллар кўлами, баён қилиш шакли ва бошқалар.

2. Коллеж ўқувчисини ўйлашга, бош қотиришга етакловчи материалларнинг муаммоли баён қилиниши, унинг даражалари, жабҳалари, жиҳатлари, даврийлиги кабилар.

3. Машгулотнинг асослилиги яққол далиллар билан мустаҳкамланувчи назарий қоидаларнинг ҳаққонийлиги» лўндалиги.

4. Машгулотнинг мутахассислар касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқлиги, қай даражада, қай шаклда, қай йўсинда.

5. Машгулотнинг тизими режалилиги, тартиблилиги, йиғинчоқлиги, умумлашганлиги.

6. Машгулотни ўтиш усули, кўрсатмалилик, жонли нутқ, ҳис-туйғуга бойлиги, материал баёнининг суръати, ўринли тўхталиш, мантикий урғу.

7. Ўқитувчининг коллеж ўқувчисига муносабати, эътиборлилиги, талабчанлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги, одоблилиги.

8. Аудитория билан алоқа қилиш ,бевосита, жонли, яккама-якка, гуруҳий, жамоавий, узлуксиз, аҳён-аҳёнда.

9. Коллеж ўқувчиларининг машгулотдаги давомати, академик гуруҳнинг тўла қатнашуви, бир оз камчилиги, умуман камчилиги.

10. Ўқув фаолиятини бошқариш эркин, ишонч билан, тезисга асосланиб баён қилиш, маърузани амалиётдаги мисолларга таянган ҳолда баён қилиш.

12. Мақсадга эришиш, ишлаб чиқилган йўллар, синалган воситалар, эгалланган усуллар, шахсий нуқтаи назарни баён қилиш, коллеж ўқувчисининг мустақил ҳолда ишлаши учун имконият яратиш ва бошқалар.

Маълумки, касб-хунар коллежидаги ўқув-тарбия жараёнида маъруза билан амалий машғулотлари боғланиши муҳим аҳамият касб этади. Амалий машғулотлари асосан коллеж ўқувчиларида тафаккурнинг танқидийлиги, маҳсулдорлиги каби ақлнинг зарур таркибий қисмлари шаклланишига қаратилган бўлади. Амалий машғулотларида ўқитувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан ўқувчиларнинг билимларини текшириши, уларда тафаккурнинг мустақиллигини, маҳсулдорлиги ва теранлигини ошириши,

атроф-муҳитга муносабатни шакллантириши, уларга илмий назариялар, концепциялар бўйича шахсий фикрларини билдиришни ўргатиши керак.

Амалий машғулоти ўқувчининг ўз ўқув фаолиятии бошқаришида муҳим роль ўйнайди. Масалан, таълимнинг турли шаклларида, мустақил ишлар, тўғарак машғулотлари, илмий-тадқиқот, лекция ва баҳсларда олинган билимлар яққоллашади, тартибга тушади, янада чуқурлашади, мустақил билим олиш малакалари ўсади, ақлий меҳнат усуллари ўзлашади, оғзаки ва ёзма нутқ такомиллашади.

3.3.8. Тажриба-синов натижалари таҳлили

Тажриба-синов жараёни касб-хунар коллежларининг 2-3 босқич ўқувчилари ва ўқитувчиларида, шунингдек ота-оналарнинг ўз фарзандларига гендер тенглик ва фарқларанглаш, касбига ва ўқув фаолиятига нисбатан муносабатларнинг қай йўсинда шакллантирилганлиги, уларнинг даражалари, ўқувчилардаги гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим олишидаги ўзига хосликлар, гендер тушунчасини таълим-тарбия жараёнида уйғунлашувини таъминлашда ўқувчиларда мавжуд бўлган тасаввурларни ўрганишга ва таҳлил қилишга қаратилди.

Тажриба-синовимиз жараёнида касб-хунар коллежи ўқувчиларида гендер тенглик ва фарқларни инобатга олиш жараёнига катта аҳамият берилаётганлиги, айниқса меҳнат кўникмаларинини тўғри ва оқилона шакллантирилаётганлигини аниқладик ва таҳлил қилдик.

Тадқиқотимизда касб-хунар коллежи ўқувчилари билан олиб бориладиган ўқув машғулотларида таълимга табақалаштирилган усулдан самарали фойдаланиш ва уни бир изимга келтириш масаласини кенг таҳлил қилдик.

Кўпинча, касб-хунар коллежларида тахсил олувчи ўғил ва қиз болаларда гендер фарқлар ривожланмай қолиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ўқитувчиларнинг ҳар иккала жинсга мансублик

хусусиятларини тўлиқ ифодалай олишларига шароит яратиш ва ўзига хос бўлган муносабатлар тизимини шакллантиришга ёрдам беришлари зарур ҳисобланади.

Касбий хусусият, ҳислат, сифат, фазилатларни ҳар бир жинсга мос ва хос тарзда шакллантириш масаласи нафақат таълим жараёнида балки тарбия жараёни билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилиши катта аҳамият касб этади. Таълим соҳасида кутилган натижаларга эришишда ўғил бола ва қизларнинг касбий муносабатлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Хива педагогик касб-ҳунар коллежи “Бошланғич таълим”, ”Мактабгача таълим” йўналиши 3-босқич талабалари билан ўтказилган тажриба-синов натижалари қуйидагилардан иборат. Улар ўзлари танлаган касби-корига нисбатан гендер хусусиятларни қуйидагича белгилаганлар.

Касбий - маданий муносабатлар тизими

1-жадвал

Т/р	Муносабат турлари	Қиз болалар	Ўғил болалар
1.	Болажонлик, бола шахсини ҳурмат қилиш	100%	78%
2.	Ўз касбини дилдан севиш	98%	65%
3.	Ҳар доим касб бурчи ва маъсулият ҳис этиш	97%	82%
4.	Фидойилик	97%	99%
5.	Адолатлилик	96%	80%
6.	Бошқаларни ишонтира олиш, ишончига кириш ва ишончини оқлаш	95%	72%
7.	Билимдонлик ва ижодкорлик	94%	90%
8.	Ўз-ўзига талабчанлик	93%	91%
9.	Янгиликка интилувчанлик	91%	80%
10.	Муаммоли ва зиддиятли вазиятларга киришимли бўлиш	89%	75%

11.	Кечиримли бўлишлик, бола шахсига ишониш	88%	75%
12.	Ташаббускорлик	85%	82%
13.	Маънавий ва миллий меросларга яхши билиш	84%	80%
14.	Ватанпарварлик	82%	92%
15.	Сабр-бардошлилик	77%	65%
16.	Касб маҳоратини эгаллашга интилиш	79%	70%
17.	Назокатли, иболи, нозик дидли	77%	32%
18.	Одамларга ишониш	77%	75%
19.	Жисмоний баркамоллик	73%	92%
20.	Чет тили билиш	68%	51%

Касбий-маданий муносабатларни шакллантиришда гендер ўзига хосликларни таҳлил қилиш жараёнида берилган барча параметрларда қиз болаларнинг устиворлиги аниқланди .Ушбу ҳолат юзасидан гуруҳларда ўтказилган суҳбатлар натижасида ҳам қиз болаларнинг педагогик касбига бўлган иштиёқи ва йўналганлиги намоён бўлди.

Диссертация ишимни вазифаларни белгилашда касб-хунар коллежи ўқувчиларида касбга бўлган муносабатини шакллантиришда , ўгил бола ва қиз болаларга хос бўлган янгича услублардан самарали фойдаланиш, коллеж ўқувчиларини касбий малака,кўникма ва билимларга эга бўлишларида муносабат ва фаолият тушунчаларини амалиётда қўллаш ва ушбу жараёнда гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олиш бўйича тажриба –синов ўтказилди.

Коллеж ўқувчилари ўз фаолиятида “инсон-инсон” муносабатига асосланади. Шу сабабли ҳам, ҳам объекти, ҳам субъекти бўлган “Шахс” масаласига ўзгача ёндашилади.


Ўрта махсус таълим тизимида кичик мутахассисларни шакллантириш

Ўз танлаган кабига хос бўлган муносабатлар, фаолиятлар, мулоқот жараёнининг ўзига хос зарур жихатлари, нутқий фаолиятнинг қонуниятлари ва асосий омил бўлиб, шу жараёнга хос ва мос тизимли фаолиятни ташкил қилиш зарурдир.

Мазкур жараёнда муносабат, фаолият, мулоқотнинг бир-бирига уйғунлашуви ўғил ва қиз болаларда гендер тенглик ва фарқларга оид тушунчаларни шакллантиришга сабаб бўла олади. Коллеж ўқувчиси томонидан амалга ошириладиган фаоллик касбий фаолият ва касбий маданий муносабатлар замирида шаклланади.

Касбий-маданий муносабатлар шахслараро амал қилинадиган ижобий муносабатлар ечимига эришишда асосий восита вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб, касбий-маданий муносабатлар деганда замонавий касб маҳорати талаб ва мақсадига эришишнинг ўзига хос ижтимоий, маънавий шарт-шароитлари ҳамда шахс фаолиятини тамиллаштиришга қаратилган педагогик жараёнлар натижасига айтилади. Мазкур жараёнда шахсда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлар шаклланади. Ушбу жараёнда жинсий идентификацион характеристикаси юзага келади.

1-чизма



Тажриба-синов натижалари тахлили кўрсатишича, тадқиқотларда исботланган, касбий-маданий муносабатларнинг тизими касбий таълим

олиш жараёнида айниқса, 2 -босқич ва 3-босқичларда яққол намоён бўлиши мумкин. Коллеж ўқувчиси томонидан ўзи танлаган касбининг тавсифи ва амалиётдаги касбий малака ва кўникмаларни шаклланишида “Ўз касбини дилдан севиш”, “Билимдонлилик” ва “Ижодкорлик”, “Ўз-ўзига талабчанлик”, “ташаббускорлик” ва “Фидойилик” “ўз касбига хаддан ташқари қизиқиш” аниқланган. Ушбу касбий-маданий муносабатларда ўғил бола ва қиз болаларда фарқлар, ўхшашликлар ва тенгликлар яққол намоён бўлди.


1-чизмада кўрсатилишича, коллеж ўқувчиси учун зарур касбий-маданий муносабатлар динамикаси бевосита ва билвосита кузатиш орқали аниқланган.


“Менинг ижтимоий фаолиятига ва касбимга бўлган муносабатим ”- мавзусида 120 дан ортиқ касб-хунар коллежи ўқувчиларидан олинган сўровнома асосида коллеж ўқувчиларининг ўзлари танлаган касбига бўлган муносабати мотивлари аниқланган.

Бунда касбий-маданий муносабатлардан янгича ёндашувлар асосан коммуникатив муносабатлар орқали амалга ошиши мумкинлигини ўз исботини топган.

Булар: самимийлик, мулоқот маданияти, суҳбатдошишни тўғри тушуниш ва у билан мунозарага кириша олиш, ўз фикрида тура олиш, муаммоли вазиятларда киришимли бўлиш, ўз-ўзига талабчан ва ташкилотчи бўлиши исботланган. Бу муносабатлар коллеж ўқувчиларининг 18, 19 ёшида кузатилган.

Табийки, коллеж ўқувчиларининг ёш хусусиятларини инобатга олиш ўғил бола ва қиз болаларда дарс жараёнида гендер тенглик ва фарқлар ўзига хос тарзда шаклланиши ушбу диаграммада ўз ифодасини топган.





Ўтказиладиган тадқиқот натижасига кўра, ўқувчиларни шакллантирувчи ва ривожлантириш ўқув-билув фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ўқувчиларни табақалаштириш ҳам уларга индивидуал ёндашиш лозим бўлади.

7-17 ёшдаги ўғил ва қиз болларда жинсий балоғатга етиш босқичларининг кузатилиши (% ҳисобида)

Ёши	Ўғил боллар				Қиз боллар			
	I	II	III	IV	I	II	III	IV
7	100	-	-	-	-	-	-	-
8	100	-	-	-	99	1	-	-
9	100	-	-	-	90	10	-	-
10	98	2	-	-	67	32	1	-
11	94	6	-	-	39	51	8	2
12	75	25	4	-	10	42	28	20
13	33	35	26	6	1	12	38	49
14	9	27	44	20	-	4	17	79
15	2	7	36	55	-	1	11	88
16	-	1	14	85	-	-	-	100
17	-	-	4	90	-	-	-	100

Таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқлар бўйича олиб бориладиган

фаолиятнинг маълум бир қисмини коллеж ўқувчиларининг оилавий муносабатларда шакллантирилиши ва шу жараёндаги ижобий ишлар самараси коллеждаги ўқув-билув фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши масаласи ҳам ҳозирда долзарб ҳисобланади. Кўпгина ота-оналар ўз фарзандларини таълим олиш жараёнига гендер фарқлар ва ўхшашликлари масалаларига ўзгача ёндошадилар. Ўғил бола ва қиз болалар эгаллаши лозим бўлган касбий тушунчалар ва установкалар ўз вақтида етказилмайди, баъзи ҳолатларда етказилса ҳам тўлиқ маълумотлар берилмайди. Худди шу сабабли ҳам эркак ва аёл томонидан бажариладиган асосий ижтимоий роллар, вазифаларни таҳлил қилишда ва асосан касб танлашда ўғил бола ва қиз болалар ҳатоликларга йўл қўядилар.

Гендерга алоқадорликнинг муҳим жihatларидан бири коллеж ўқувчиларини ўзи танлаган касби-кори тўғрисидаги нафақат ахборотлар балки шу касбнинг келажақдаги аҳамиятия.истикболи, муайян мақсадга йўналтирилган жараёнлардан биридир.

Гендер моҳияти

- Ўрнатилган олиш – таълим олишда, муносабатга кириши;
вазифаларни тасдиқланишида;
намуна модели сифатида қўлини.
- Тақлид қилиш – ўғил-отага, қиз-онага ўхшашликни
қўллаши ва ҳатти – ҳаракатларини
тақлид асосида бажариш.
- Янгилик киритиш – ота-она ҳаракатларидан қониқмаслик
оқибатида янгиликлар киритилади.

Гендер фарқлар ва ўхшашликлар жамият томонидан қабул қилинган меъёрлар асосида талқин қилинади, улар урф-одат, анъана ва маросимларда ўз аксини топади.

Урф-одатлар ичида ўзига хос гендер тафовутларга эга бўлган эмоционал қониқиш функцияси яъни вазифаси бир қатор қирраларни ўз ичига олади.

Ижобий	Салбий
Ота-онани самимий мулоқати	Ота-онани ўзаро ҳурматсизлиги
Ота-онани фарзандларига нисбатан муҳаббати	Ота-онани ўз фарзандидан қочиши
От-онанинг фарзандига интилиши, қўмсаш	Ота-онанинг ўз фарзандидан безорлик
Эмоционал енгиллик ва кўтаринлилик	совуқлилик
Муҳаббат, меҳр, яқинлик, ҳамдардлик	фрустрация ҳолатлари

Гендер тафовутларда онанинг ўз қизи билан, отанинг ўз ўғли билан интим мулоқатга кириша олишлари, психологик барқарор муносабаталарни ташкил қилиш, маънавий яқинликни туйиш ҳам, ишончли муносабатларни юзага келтириш ҳам эмоционал қониқиш вазифасини муаммолигидан далолат беради.

Оиладаги анъанавий-гендер вазифалардан яна биттаси бу мақом функциясидир.

Оила аъзоларининг мақомига эришилари, уни амалда қўллаш бир қанча жиҳатларини келтириб чиқаради.

Мансублик	Имконият	Афзалликлар
Қишлоқ	Чекланган	Ижобий ва салбий томон
Шаҳар	Чекланмаган	Яхши ва ёмон томонлар

Педагогик нуқтаи назардан таснифлашда таълим жараёнига кириб келган ўқувчиларнинг ўғил ёки қиз бола сифатидаги ўзига хос жисмоний, рухий, потенциал имкониятлари ва хусусиятлари ҳисобга олинади. Педагогик жараёнда бундай бўлиниш ижтимоий-таълимий жиҳатдан

белгиланган идентификация кўринишлари асосида фарқланади.

1-жадвал

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган умумехнат кўникмалари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони			
		“5”	“4”	“3”	“2”
Тажриба	445	127	225	73	20
Назорат	446	81	218	103	44

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда $K = \frac{\text{Ҳисобланган сони}}{\text{Умумий сони}} \cdot 100\%$ формула орқали топилади.

Бунда J-ўтказилган тажрибада саволларга берилган тўғри жавоблар сони, Q-ўқувчиларнинг умумий сони.

2-жадвал


T/p	Синфлар Баҳо	Тажриба	Назорат
1	“5”	$K_1 = \frac{127}{445} \cdot 100\% = 28,5\%$	$K_1 = \frac{81}{446} \cdot 100\% = 18,2\%$
2	“4”	$K_1 = \frac{225}{445} \cdot 100\% = 50,6\%$	$K_1 = \frac{218}{446} \cdot 100\% = 48,8\%$
3	“3”	$K_1 = \frac{73}{445} \cdot 100\% = 16,4\%$	$K_1 = \frac{103}{446} \cdot 100\% = 23,1\%$
4	“2”	$K_1 = \frac{20}{445} \cdot 100\% = 4,5\%$	$K_1 = \frac{44}{446} \cdot 100\% = 9,9\%$

Олинган маълумотлар Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида математик кутилиш, танланма дисперсия ва ўртача квадратик четланишлар топилади.

X	Y	D ^м	D ^н	Δ ^м	Δ ^н
4	3,8	0,5	0,53	0,04	0,04

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар учун ишончли интерваллар топилди:





Хулоса

1. Гендер назарияси феменистик назариянинг давоми сифатида вужудга келган бўлиб, у антропология, фалсафа, жамиятшунослик, психология каби фанлар билан бир қаторда педагогикада ҳам ўзининг тадқиқ этилишини кутаётган бир қатор жиҳатларига эга. Шу нуқтаи – назардан олиб қараганда таълим жараёнида ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва фарқларини ҳисобга олиш муҳим педагогик муаммо сифатида ўз ечимини кутмоқда.
2. Гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия беришда гендер антропологиясига ҳамда гендернинг психологик жиҳатларига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имкониятини беради.
3. Таълим жараёнини ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва фарқларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш натижасида уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, ўқув жараёнида физиологик имкониятларини оптимал ҳисобга олиш, муносиб касб-ҳунарга йўллаш тизими шакллантирилади.
4. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари гендер тушунчаси, ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва фарқлари, уларнинг

гендер роли хақида етарлича билим ва тасаввурга эга эмас эканлиги аниқланди.

5. Ўқувчилар орасида ўтказилган анкета сўровларининг натижасидан шу нарса аён бўлдики, уларнинг ҳар бири гендер ўзига хослигини намаён қилиш ўзларининг гендер ролларини бажаришга интилади.

6. Амалдаги касб-хунар коллежларига мўлжалланган дарсликларининг таҳлилидан шу нарса аниқландики, берилган машқлар ва матнларда ўқувчиларнинг гендер мансублиги бир қатор ҳисобга олинган бўлса-да, айниқса , меҳнат таълимига оид топшириқларда ўқув материаллари ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва фарқларига асосланган ҳолда табақалаштирилмаган.

7. Шу нарса аниқландики, бугунги кунга келиб касб-хунар коллежларида меҳнат таълими жараёнини гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этиш ҳамда ўқувчиларда умуммеҳнат кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълимий топшириқлар тизими ҳамда муайян методикани ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

8. Гендер тенглик ва фарқларга асосланган умуммеҳнат кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълимий топшириқлар табақалаштириш ва интеграллаштириш тамойиллари асосида танланиб, ўқувчиларда педагогик қимматга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

9. Гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириладиган умум касбий кўникмалари муайян дидактик мензонлар асосида аниқланиши ва баҳоланиши талаб этилмоқда.

10. Гендер тенглик ва фарқлар асосида танланган, табақалашган ва интеграл характердаги таълимий топшириқлар муайян изчилликдаги дидактик тизимни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

11. Гендер тенглик ва фарқлар асосида шакллантириладиган умум касбий кўникмалари коллеж ўқувчиларининг ижодкорлик, лойихалаш, конструкциялаш, фараз қилиш, нафосатга интилиш, орасталик, тикиш,

бичиш, безаш каби кўникмаларини табақалаштирилган ҳолда босқичма-босқич изчил ривожлантириб боришни тақозо қилади.

12. таълим жараёнида гендер тенглик ва фарқлар асосида умум касбий кўникмаларини шакллантиришда, уларнинг жинсий, рухий, физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида педагогик аҳамиятга эга.

13. Касб-хунар коллежида ўқув-билув фаолиятида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этиладиган таълимий топшириқлар ўғил ва қиз болалар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжихатлилик, ўзаро ёрдам муҳитини вужудга келтиришга катта ёрдам бериши аниқланди.

14. Касб-хунар коллежида гендер тенглик ва фарқлар асосида таълимий топшириқларни тақдим этиш натижасида уларнинг рухий имкониятлари кенгайиши, ўзлари бажарадиган касбий фаолият турига нисбатан завқ-шавқ, қизиқиш, ўғил ва қиз боллар орасида дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлилик, ўзаро ишонч ва бирдамлик қарор топиши аниқланди.

15. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижари, шунингдек кўрсатдики, ўқув жараёнини ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва фарқлари асосида ташкил этиш натижасида ўқув-билув фаолияти ва касбий фаолиятнинг уйғунлашуви тизимли тарзда таркиб топиши аниқланди.

ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги тавсияларни келтирамиз:

- олий ўқув юртларида “Ўқувчиларнинг гендер фарқлари ва ўзига хослигини таъминлаш педагогикаси” махсус курсини жорий қилиш. Мазкур курс доирасида бўлажак ўқитувчиларга гендер педагогикаси, гендер социологияси, гендер фарқлар асосида ўқувчини ижтимоийлаштириш ҳақида етарли маълумот бериш.
- гендер тенглиги ва фарқларини ҳисобга олган ҳолда таълимий топшириқлар тўпламини тайёрлаш, улар учун яратиладиган дарсликлар ва қўлланмаларида гендер тамойилининг тадбиқ этилишига эришиш.
- гендер тенглиги ва фарқларини ҳисобга олган ҳолда таълим

жараёнини ташкил этишларига эриши мақсадида уларни гендер соҳасидаги билимлар ва илғор технологиялар билан қуроллантиришга хизмат қиладиган методик қўлланмалар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ги қонуни 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997й.
4. Давлат таълим стандартлари
5. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори»
6. Каримов И.А. «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили»
7. Каримов И.А «Юксак маънавият – енгилмас куч»-Т., «Маънавият», 2008.
8. Каримов И.А - Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқарорлик жамияти барпо этиш –устувор мақсадимиз” // “Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”- Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
9. «Баркамол авлод йили » Давлат дастури «Халқ сўзи» газетаси 2010 йил 28 январ
10. Проективные и планирование педагогических технологий . А.Ш.Бекмурадов, Л.В. Голиш, Д.П.Хошимова 2009
11. Способог и средства организации самостоятельной учебной деятельности. Б.Ю.Ходиев, Л.В.Голиш, Д.П.Хошимова 2010.
12. Ўқув жараёни ва Ўқув услубий фаолиятни модернизациялаш қамда инновацион таълим технологияларни жорий этиш. Б.Ю.Ходжиев, И.У. Мажидов. А.Ш. Бекмурадов 2009.
13. Тарбияда инновацион технологиялар. А.Абдукадиров , Ишмухамедов

Р, А.Пардаев. 2010й

14. Абдуюодиров А, Масаофали шйитиш назарияси ва амалиёти. А.Пардаев. Т., «Фан» 2009.

15. Таълимда инновацион технологиялар. Р.Ишмухамеддов, А.Абдукодиров, А.Пардаев. Т., 2008

16. Технология проекного обучение. А.Ш.Бекумурадов, Л.В. Голиш, Д.П. 2009

17. «Умумий психология», П.И.Иванов., М.Е.Зуфарова. Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти. Тошкент 2008., 478 бет., 2 дона.

18. «Психологик маслахат», З.Нишонова., Ф.Хайдаров., С.Жалилова., А.Убайдуллаев., Ш.Асомуддинова. Низомий Тошкент 2009. 227 бет., 4 дона.

19. «Амалий психология» Н.Боймуродов. Тошкент 2008. «Янги аср авлоди». 311 бет, 2 дона.

20. «Педагогика психология», Х.И.Ибрагимов., У.А.Йулдошев., Х.Бобомирзаев. Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти. Тошкент 2007. 403 бет, 2 дона.

21. «Оила психологияси», Г.Б.Шоумаров., И.О.Хайдаров., Н.А.Согинов., Ф.А.Акрамова., Г.Солихова., Г.Ниёзметова. «Шарк» нашриёти. Тошкент 2007. 291 бет, 1 дона.

22. «Психология фанларини уқитиш методикаси», (уқув кулланма) Низомий номидаги ТДПУ – 2006. 175 бет, 4 дона.

23. «Педагогик махорат асослари», Б.Зиёмухаммадов. Тошкент «ТИБ-Китоб» 2009. 182 бет, 2 дона.

24. «Педагогика», Б.Зиёмухаммадов. Тошкент 2006. 109 бет, 2 дона.

25. Педагогика. Оъ. М.Асқарова, М.Хайитбойёв ,М.С.Нишонов Т.Талқин 2008 й.

26. Олий мактаб педагогикаси. М.Очилов, Н.Очилова Т.2009 й.

27. Умумий психология. П.И.Исанов, М.Э.Зуфарова Т 2008й.

28. Мутахассислик фанларини оъқитиш методикаси. Т.Атамуродова, Х.Эргашова, М.Қурбонов Т. “Янги аср авлоди”. 2008й.

29. Педагогика назаряси.И.Ибрагимов, Ш.Абдуллайэва Т.2008й
30. Берн Ш. Гендерная психология. - СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2001, с.84.Тамже, с.91-92.
31. Берн Ш. Гендерная психология. - СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2001, с.95.
 - а. Коломинский Я.Л., Мелтас М.Х. Полоролевое развитие ребенка в дошкольном возрасте/ Генетические проблемы! социальной психологии. Минск, 1985.
32. Ким Л. Исследовательский проект "Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей".Будапешт, Ташкент, 2002.
33. Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. С.-Петербург, изд-во РГГТУ им.А.И.Герцена, 1998.
34. С.23. Ким Л. Исследовательский проект "Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей". Будапешт, Ташкент, 2002.
35. Шведова Н.А. Просто о сложном:гендерное просвещение. Пособие. Очерки политической теории и истории. Документальные материалы. Москва. 2002.
36. Гендер на повестке дня. Руководство по гендерному обучению.Региональная программа в поддержку гендера в развитии в Центральной Азии, странах Кавказского региона и Турции. Бишкек.1999.
37. Десай Н., Генеральный секретарь Всемирного саммита по устойчивому развитию. Речь на специальном заседании Всемирного экономического форума. Нью-Йорк. 4 февраля 2002.
38. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри» 1993 й.
39. Зязюн И.А. ва бошқа «Педагогик махорат асослари (рус) Мос. 1989 й.
40. Ибрахилов А ва бошқа «Ватан туйғуси» Т. 1998 йил.
41. Кайковус «Кобуснома» Т. Укит. 1991 й.
42. Коменский Я.А. «Буюк дидактика» Т. Укит. 1975 й.
43. Навоий А. «Махбуб ул кулуб» Тош. 1983 й.
44. Очилов М. «Муаллим калб меъмори » Т. Укит. 2001 й.

45. Очиллов М. Очилова Н. «Укитувчи одобии» Т. 1997 й.
46. Педагогик изланиш . Т.укит. 1990 й.
47. Фарберман Б. илгор педагогик техноогиялар Т.
48. кудратов Т. Нутк маданияти асослари И. укитув. 1993 й.
49. Гозиев Э.Т. Муомала психологияси Т. 2001 й.
50. Гозиев Э.Т. Муомала мазмуни ва услубияти Халк таълими 2000 йил
№ 6
51. Гозиев Э.Т. Муомала психологияси Т. 2001 й.
52. Гозиев Э.Т. Муомала мазмуни ва услубияти Халк таълими
2000 йил №6